



Адиб
жамият

Үктам Мирзаёр

Сөзинч
дағыдаи

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
“Ижод” жамоат фонди

“Адаб ва жамият”

Ўқтам Мирзаёр

СОГИНЧ ДАФТАРИ

(Шеърлар)

«Камалак» издашторубу (бейн)

Художник ху. Бегим Ахтия,

Башкадар саломига куралаб,

Дарёда бахш – мадания.

Ташкент – 2019

«Kamalak» нашриёти

Ташкент – 2019

УҮК 821.512.133-1
КБК 84(5Ү)6
М 54

Масъул мухаррир:
Ғайрат МАЖИД

СӨНГҮЛДІРІЛГІСІ

Мирзаёр, Ўкта.
М 54 Соғинч дафтари [Матн]: шеърлар / Ў. Мирзаёр. – Т.: «Kamalak» нашриёти, 2019. – 192 бет.
ISBN 978-9943-6005-1-5

Таныкли шоир Ўкта Мирзаёрнинг ушбу түпламида шоирнинг она Ватан, хурлик, маърифат, садокат, мухаббат, олам гўзаллиги мавзуларидаги шеърлари ўрин олган. Уларнинг хар бирида шоир ўз карашларини, ўзи топган хуносаларни беришга интилган. Ўзи англаган дунёни кўрсатиб бера олган.

Шунингдек, тўпламга муаллифнинг дунё шеъриятининг атcoli намояндалари Лорка, Блок, Ҳамзатов, Огненцвет каби шоирлар ижодидан қилган тажималаридан намуналар киритилди.

УҮК 821.512.133-1
КБК 84(5Ү)6

© Ў. Мирзаёр, 2019
ISBN 978-9943-6005-1-5
A-D © «Kamalak» нашриёти, 2019
AXB.-RESURS MARKAZI

АЙТИЛМАГАН СҮЗ

Бўлар сўзни айтмадим ҳали,
Ҳали излаб умр ўтмоқда.
Сўзлашмоқнинг келмади гали,
Тинглагувчи эса кутмоқда.

Қандай бўлар ўша сўз ранги,
Тафти онам меҳрича борми?
Унда борми найнинг жаранги,
У қайдадир, дилда туморми?

Тубсиз кенгликларга боқаман,
Этагидан тутиб сабонинг,
Булутларни кучиб, оқаман,
Иzlарida моҳитабоннинг.

Эй сизларим, бекарор сўзлар,
От сурасиз, кўксим дупирлар.
Йўлингизда интизор кўзлар.
Қалбда эса туғён уфурар.

Алвон-алвон лолазор бўйлаб,
Чопаётган ху беғам қизча,
Бораётирип сизларни қувлаб,
Юрагида ёлкин – юлдузча.

Чигиртканинг сасларида сиз,
Бузтўргайнинг шаҳдига миниб,
Маволарга босаяпсиз юз,
Кузатаман бунда энтикиб.

Сиз – құл етмас баргисумансыз.
Сиз – қалдирғоч тилин остида.
Булбул ютган гұхарсимонсыз.
Мажнуниман ишқи дастида.

Интизорман, зорман мунтазир,
Хайқираман: күзларингни оч.
Ёнингдаман! Ёнимдан басир,
Сайрон-сайрон ўтар сандивоч.

АЖАБ

Тоғлар – сабот, тоғлар – матонат,
Кояларда ғуурор ва қудрат
Пойларида гарддир одамзот –
Майда-майда – зарра шу хилқат.

Солиб күрсанд уни офтобга,
Нур қатича хислат күрмайсан.
Чимоли-да, чидамли тобга,
Одамзодда суръат күрмайсан.

Шу митти жон, шитоби билан
Ажаб, ҳатто қирқ ёрап нурни,
Аллоҳ тоғу офтоби билан
Ином этган унга заминни!

•••—————•••

ТАВБА

Турфалик асрида одамизодни,
Бошдан оёқача ниқоб чулғади.
Пардалар қоплади руҳониятни,
Пок дилни ростакам ёлғон булғади.

От сурар тегрангда лўттивоз кимса,
Етса йикитади тири ҳақкулга.
Ликиллаб туради шайтоний думча,
Юкиниб яшайди кўринмас қўлга.

Кўрасан, қилт этмас бевафо виждон,
Бошиңгни чиқармас ҳар не балодан.
Яна тухмат килиб, яратган Ҳакка
Дейдилар: “Буларнинг бари Худодан!”

ЁШЛИККА ҚАСИДА

О, қандай гүзалдир,
Навқирон ёшлик,
Юрак тұла меҳр,
Күз тұла меҳр,
Севгидан вужудлар,
Ларzonдир ёшлик.
Ғуборсиз юзларда
Харирий ибо,
Юраклар тепишар,
Нигоҳ үпишар,
Бир дам эсмай турғин,
Эй, рашкчи сабо,
Висолга түйишиңин,
Мехрибон ёшлик.
Вужудлар бир қайнок,
Орзуга тұла,
Тошни ушласа-да,
Эритар тафти,
Юлдузга нарвонни
Күяди аҳди,
Курашда йикілмас,
Мардондир ёшлик.
О, беғубор ёшлик.
Үтли қарашлиқ,
Менинг вужудимдан
Кетиб борасан.
Мұхаббатим олиб,
Армонни солиб,
Шундай ёнгинамдан
Үтиб борасан.



БАҲОДИРЛАР

Жангда ўлган эмас бирор баҳодир,
Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан.
Шавкат РАҲМОН

Баҳодирлар ўлмас, таслим ҳам бўлмас,
Улар барҳаётдир, мисоли бир шан.
Унинг томирида кўпирар абад,
Ватан дарёсидай шарқираган қон.

Баҳодир эрлари бор юрт букилмас,
Баҳодир бор жойда кўз ёш тўкилмас,
Баҳодир жангларда ўлмас, йиқилмас,
Йиқилса йиқилар хиёнатлардан,
Оҳори тўкилган диёнатлардан.

Ҳақиқат камондай эгилади goх,
Маломат юклари босганда зарбдан.
Мардона тиззалар букилар ногоҳ,
Ракиблар ортингдан чалса оёқдан.

Бу қисмат негадир, бу қисмат нечун,
Хиёнат жилмаяр ортингда туриб.
Баҳодирлар яшар ўлмоклик учун,
Кўркоқлар яшайди ортингдан юриб.

назароји бўлса
Эндо интибодеъи М
дикоо иншома
надимонига ўзиди Ш
назароји бўлса



БИР ҚАДАМ НАРИДА

Бир қадам нарида бахтимни күрдим,
Интизор, күзіда сұнаётир чүғ.
Бир қадам нарида рүбарў турдим.
Қалбимни күйдирди лағчаланган тиғ.

Хайқирдим. Бокмади. Хайрон, паришон.
– Кутганинг мен, – дедим, – ҳей париухсор.
Менинг излаганим сендирсан, ион, –
десам. У жон олиб, бир бокди хумор.

Наҳот, күзи күрмас, типлари лолдир,
Юракда ҳаприқар ловулланган шаҳд.
Бир қадам нарида ажаб не ҳолдир,
Кутиб яшаганим, танимади баҳт?!

алымаң инкөс миңнеген инкөс
нолда даңғаздағы инкөс – қалғағы / септември
шілдең инкөсек инкөсінен
көнін даңғаздағы инкөсбен

даңғаздағы инкөс – инкөсбен
ориғ-иляк миңж қалғанын
мәхдум жөнөрә – инкөс наңы
одат нағылменет дындағын



ОТА ҲОВЛИДА

Тонгда келдим ота ҳовлимга,
Дил ўртаган айрилиқдан сүнг.
Ким тушмаган менинг ҳолимга,
Рух. Исканжа. Нигоҳ тўла мунг.

Бўсағага ўзимдан аввал,
Бошин урди ичиккан соғинч.
Киприкларим нимагадир хўл,
Нимагадир ота уй тип-тинч.

Болалигим чиқди йўлимга,
Патала соч, ёқалар вайрон.
Қўлларингни бергин қўлимга,
Десам, бокди танимай ҳайрон.

Жим кезиндим сокин ҳовлида,
Ортда – бола. Кўксимда вулқон.
Босилмаган қалбнинг ҳоври-да,
Нафасини сездим, ха, ион.

Юрагининг дук-дукини ҳам,
Тикилишар жим икки фидо.
Бири соқов, бириси мубҳам,
Мехрсираб туришган гадо.

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК

Сайрасам булбулдай, Ватан меники,
Яйрасам тўргайдай, осмон меники,
Тўшимга ҳуриллаб тегар ҳаволар,
Қалбимга куйилар тонгдай наволар.

Толеда истиқлол жамолин очди,
Мушаклар пориллаб сочқилар сочди,
Суурга тўладир еру осмоним,
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

Тилаклар тилайман, тонгдай мунаввар,
Босган ҳар қадаминг хайрли, зафар.
Сен ўзинг шавкатим, сен ўзинг шоним!
Истиқлол муборак, Ўзбекистоним!

1992 йил, 1 сентябрь.

Онда тозига ташкент шаҳри ташаббус
тасдиқланадиган оғизи ташаббус
шахарини ташаббус мажбутлиги
тэмнивакел утишади урги йўқасо ўзидай
Кароримда тозига турли, Ўзбекистон
Онда тозига ташкент шаҳри ташаббус
маддех ташаббус маддех ўзидай
шахарини ташаббус мажбутлиги
тэмнивакел утишади урги йўқасо ўзидай
Кароримда тозига турли, Ўзбекистон

Ритуи рӯзи тўлиб-тозига, Гоми жигитим,
Абдуллоја Барзакони Тоби ўзитим

НЕЧУН СЕВМАЙ, ЎЗБЕКИСТОН – ОНАМНИ МЕН?

Ватан, дилга туғиб юрган дардимсан сен,
Курашларда иймон ғолиб, мардимсан сен.
Севаман, деб ҳайқирмокқа талпинар тил,
Ҳайқирмасдан фидо бўлиш мумкин, ахир!

Мунисгина, онам каби бўйи бастинг,
Ялпизларинг кўзга суртиб, баҳор фасли,
Термуламан сокин сувдай сарҳадингга,
Ахир қандай севмай мунис онамни мен!

Укаларим лабларидан боллар тўкиб,
Синглим менинг йўлларимга сувлар сепиб,
Кутиб олар, супасига райҳон экиб,
Ахир қандай севмай гулу лоламни мен?!

Ўзбекистон, десам кўнглим тўлиқ бўлар,
Буғдойзорим, паҳтазорим бўлик бўлар,
Улфатларим – дехқон, чўпон-чўлиқ бўлар,
Қандай севмай қири дашту даламни мен!

Оlam кездим, оқу қора элат кўрдим,
Оч, бошида ҳеч тўлмаган сават кўрдим.
Бешикдаги неварамда савлат кўрдим,
Қандай сўймай ахир тўқли боламни мен,
Ўзбекистон билан тўлиқ оламни мен!



ТОШКЕНТИМ

Багиилов

Тошкент деса, қувонч тўлар юракка,
Тошкент деса, ишонч тўлар тилакка.
Осмонида офтоб кулиб, яйрайди,
Тошкент деса, куч тўлади билакка.

Онажоним, меҳрибоним, Тошкентим,
Сават тўла ширмой ноним, Тошкентим.

Кечалари кўчалари чароғон,
Маҳаллаю даҳалари фаровон.
Наҳор туриб ош тортади удум, деб,
Олма, узум, анор тўла дастурхон.

Боғу бўстон, буғдой – доним, Тошкентим,
Меҳмоннавоз, қадрдоним, Тошкентим.

Оlam кемтик, Тошкент балқиб турмаса,
Зухро каби кўкда қалқиб турмаса,
Юлдузлар ҳам хира тортар самода,
Азим Тошкент нур таратиб турмаса.

Қароғимда чақноқ нурим, Тошкентим,
Оlam узра маржон, дурим, Тошкентим.

Неча аср, неча довон ошган кент,
Минг йиллардан келажакка шошган кент,
Синовлари бошдан ошиб-тошган кент,
Улар ўтди, қолди абад Тошканд-кент.

Ризқу рўзи тўлиб-тошган, Бош кентим,
Абадият бағридаги Тош кентим.

ВАТАН, СЕНСАН КҮНГИЛДАГИ

Ватан сенсан, дилда борим,
Номус, орим, күнгилдаги.
Ватан сенсан, ифтихорим,
Бегуборим күнгилдаги.

Оламнинг ҳар нуқтасидан
Күнгил тортиб турдинг ўзинг,
Ўғил-қизим бўйи-басти,
Дил хуморим күнгилдаги.

Ватан, ўзинг туморимсан,
Мунисгина гулёrimсан,
Қалбим тўла алёrimсан,
Дуторимсан күнгилдаги.

Тоғларингда турсам, ҳайрат,
Боғларингда турсам, ҳайрат,
Йўлларингда юрсам, ҳайрат,
Беозорим күнгилдаги.

Жилғаларинг куйлаб келар,
Дарёларинг ўйнаб келар,
Шабадалар сўйлаб келар,
Наҳоримсан күнгилдаги.

Осмонимсан юлдуз тўла,
Дуру гавҳар илдиз тўла,
Адирлари қизгалдоқзор,
Баҳоримсан күнгилдаги.

ЗАМОНДОШЛАРГА

Ватан – менинг күнглил,
Ватан – сенинг күнглинг,
Ватан обод бўлар,
Кўнгил обод бўлса!

Тобора юксалар,
Орзулар нарвони.
Тинч бўлса, яшнаса,
Ватаннинг қўргони.

Белингни боғлагин,
Кўнглингни чоғла,
Мехр қўй Ватаннинг
Ҳар гиёҳига.
Ватан обод бўлар,
Кўнгил обод бўлса!

Дўстим, елқадошим,
Сафларда бор бўл,
Улуғ Истиқлолга
Бошлиди Сарбон.
Кўнглимиизда ҳурлик,
Елкамизда ҳурлик,
Истиқлол туғини
Кўтарди карвон.
Бизлар карвон бўлдик,
Сафдош – беармон!

Ватан обод бўлар,
Кўнгил обод бўлса!

КҮНГЛИНГГА ВАТАН ҚУРГИЛ

Күнгилга ватан кургил,
күнгилга ватан кургил,
Пойдевори инсофдан, устунлари имондан,
Йироқ юриб ёмондан,
Күнгилга ватан кургил, күнгилга ватан кургил.

Яхшидир қават-қават, кунгурадор бинолар,
Силлик-сифта либосу яна алламбалолар,
Зару забарга учмай эй, хешу акраболар,
Күнгилга ватан кургил, күнгилга ватан кургил.

Күзингдаги нур билгин,
Мустақил Ватанни сен,
Осмондаги офтоб биљ, ердаги моҳитоб бил,
Шаршарадай шариллаб вужудда оққан қондан,
Күнгилга ватан кургил, күнгилга ватан кургил.

Ватан муқаддас гүша
Онамиз кулбасидир,
Отамиз ори Ватан, дилнинг оҳори Ватан,
Шул табаррук курғондан,
Күнгилга ватан кургил, күнгилга ватан кургил.

Күнглида ватани йўқ,
чекарга ситами йўқ,
Бир қушча ошёни йўқ, белгисиз, нишони йўқ.
Айирмасин чамандан – озод Ўзбекистон,
Күнгилга ватан кургил, күнгилга Ватан кургил.

ТОШКЕНТДА КУЗ ТОНГИ

Манзара

Куз. Тонг. Ширт-ширт кўча супуран аёл,
Бемакон хазонлар дайдийди бесар.
Юлкилар ҳар томон маст-аласт шамол,
Дараҳтлар мотамда, ҳолсиз хўрсинар.

Такдирга ўчма-ўч фаромуш аёл,
Тозартаман, дейди оламни гўё.
Ширт-ширт. Кўчада тўзғииди хаёл,
Гарду хазонларга булғанган дунё.

Заррин тонг инграйди чангга ботганча,
Қочмокқа жой излар нурлар толаси.
Юпун кўрпасини бошга тортганча,
Кулбада ухлайди фаррош боласи.

Ширт-ширт. Ширт-ширт.....

БЕШ ОҒАМНИНГ БОТИРЛАРИ

Бир ёнимда бағри очиқ қозогим бор,
Бу ёнимдан биродарим тожик келар.
Манас айтиб, катта бўлган қирғизларим,
Махтумқулин тингламаган нозик келар.
Келинглар-ей, беш оғамнинг ботирлари,
Илму ирфон – нурга тўла чодирлари.

Дастурхонда ризку рўзу нон ўртада,
Кўзу кошу шан ўртада, жон ўртада.
Навоийдан қолган байтни куйлашайлик,
Жомий бобо ҳикматидан сирлашайлик,
Абай бобо айтганидай жирлашайлик,
Иссиқкўлнинг[®] бўйларида кўрлашайлик,
Келинглар-ей, беш оғамнинг ботирлари,
Илму ирфон – нурга тўла чодирлари.

Бирлашганда сўзимизда кудрат бўлар,
Сўзимизда, ўзимизда савлат бўлар.
Кўнглимиз бир, дилимиз бир олам аро,
Бешта йўлбарс, бешта буюк давлат бўлар.
Келинглар-ей, беш оғамнинг ботирлари,
Илму ирфон, нурга тўла чодирлари.

Бу сўзларни айтмаяпман, кўқдан олиб,
Бобом айтган насиҳатга қулоқ солиб.
Ўтган яхши ёмон кундан сабоқ олиб,
Яшайлик-ей табоқ бериб, табоқ олиб.
Келинглар-ей, беш оғамнинг ботирлари,
Илму ирфон – нурга тўла чодирлари.

Оламга бок, бўлҳо-бўлдир, урҳо-урдир,
Бўлинганни бўлиб ерлар, сурҳо-сурдир.
Кўра туриб, кўрмаганнинг қалби кўрдир,
Енгилмагай эш бўлганлар, мудом зўрдир.
Келинглар-ей, беш оғамнинг ботирлари,
Илму ирфқон – нурга тўла чодирлари.

МҮЖИЗА

Менинг ҳам боғимда ўрик гуллади,
Ҳар бир гул япроғи күнглимдай ҳарир.
Чиройини бичган энг улуг Меъмор,
Бўёғини сурган буюк Мусаввир.

Гуллари чўмилган тиниқ нурларга,
Теграмда кезинмиш баҳорий суур.
Новдалар чулғанмиш садаф, дурларга,
Тахририн қилолмас бирор муҳаррир.



ХОЛАТ

Мунавваранинг шеъри

Бир шода райҳон бердинг,
Кўнглимга ларzon бердинг.
Киприқда айланар ёш,
Дилимга дармон бердинг.

Бу ҳазилму ишорат,
Қалбда ҳузур, ҳарорат.
Ғулу ва ором, роҳат,
Ё сенмидинг, муҳаббат?!



Факат оғизимъян таҳтада чистоб,
Курдичини ёниш, то зиннага бади
лобро памдивотт ғофнингтой
Ахлофбо да, якни ё тинъети Оари,
Бор ажакн жисоҳ, шоз миғубашибу
Он калтак стичмадер-жасла бўлалари,
Шундек кутнагина кам кечус ўзигина

Башни беғони-бостаги Ни,
Қабр кам кечмандир көрек бўлаледа.
Онко обистдиня, бу кургур хаби...
Хозиркаги ёзганни курур йолчизи...



ҚОЗОҚ ЙҮЛИДА

Юрагим ғаш, қозок йүлида,
Жону таним ёнади лов-лов,
Акаммидинг, укаммидинг айт,
Миллатимнинг эй қоракўзи,
Нега олов йўлда бўлди ғов?
Ўтда ёнмас, сувда чўқмасим,
Келар эдинг мозий қаъридан,
Йўлинг кесиб ўтмасди бирор,
Хунхорларга йўлиқдингми ё,
Ёки алдов ақлингни олди,
Қандай қисмат бу куйга солди?
Акаммидинг, укаммидинг айт,
Нега олов йўлда бўлди ғов?
Ё ёндириди қалбингдаги тафт,
Ё кул қилди сендаги сабр,
Алангалар чулғар дилимни,
Тутунлари ўрлар самога,
Фотиҳага очдим қўлимни:
Қолганларга тиларман сабот,
Охиратинг бўлсин-ай обод,
Юрагим ғаш, қозок йўлида.



МЕН СИЗГА АЙТСАМ

Ҳар кас ўзин Аллоҳ бандасиман дер,
Мусулмонман, дея тақволар қилас.
Нафс ўртага тушса, бир-бируни ер,
Тангри номи билан даъволар қилас.

Тани, деб ўзингни, ойналар тутсанг,
Шайтонлик қилма деб, ёқангдан олар.
Пойингдан тишлайди, ёнидан ўтсанг,
Лошинг гўрдан олиб, гўрларга солар.

Ғийбату маломат туриш-турмуши,
Майда икир-чикир, фаҳшу иғволар,
Таъмаю юлғичлик қилган қилмиши,
Отага оталик қилас даъвогар.

Кимсан, ҳей, оломон, дейсан тутакиб,
Шукрни билмаган, уят билмаган.
Фақат еб ичмоқлик, очиб, ютақиб,
Қорни тўйса ҳамки кўнгли тўлмаган.

Момоларим айтмиш, уруш йиллари,
Бир эркак қолмаган қишлоқлар бўлган.
Оч қолган етимлар қақшаб диллари,
Шундай кунларда ҳам номус ўлмаган.

Белига белбоғни боғлаган аёл,
Қабр ҳам қазгандир керак бўлганда.
Олис обкетди-я, бу қургур хаёл...
Хозиргидай бўлган ғуур ўлганда.

БУХОРОЛИК ЖИЯН

Бўлган воқеа

Тунов куни ғалат бир ҳангомага йўлиқдим.
– Салом, деб, Бухородан, – келди йигит, мулойим.
– Тоғамнинг ўртоғисиз, тоғамсиз!
Бир тўлишдим.
Йўқлагувчи ҳар киши кам бўлмасин илойим.

– Жаҳонгирми, – сўрадим, – Бахтиёрми, юборган?
– Иккиси ҳам қадрдон, иккисига жиянман.
– Эй, Бухоро бир олам. Икки дўст ҳам бир жаҳон.
– Хуш келибсан, бўл меҳмон, – дедим уни қиёлмай.

– Ако, вақтим кўп тифиз. Асалчиман, тадбиркор.
Бир юзи ўн кутидан асал олдим жўда мўл.
Тоғамларга улашдим. Сиз ҳам шу кўнгилда бор.
Икки катта банкани машинамга солди ул.

Пул тутсам, “йўқ” деб турди. Хотам бўлдим жиянга.
Чўнтағига қистирдим мояна деб олганни.
Ширин сўзга алданиб, ботиб сатта қиёмга,
Уйга қайтдик қучоқлаб, икки банка ёлғонни.

ГУЛ БҮЛИБ...

Күрганмисиз, аёл гул юлмас,
Лолалар ҳам термайди аёл.
Күриб, кувонади кўзлари фақат,
Гулга озор бермайди аёл.

Келтиргансиз қачон гулдаста,
Ё, бир тутам қизғалдоқ юлиб.
Боққанмисиз, юзига аста...
Юрибмизда биз эркак бўлиб.

Иш, иш, иш – тугамас ташвиш,
Кўзни очиб, юмаверамиз.
Оқшом эснаб, ё танда ҳориш...
Бўсағада тураверамиз.

Газпеккада вишиллар чойдиш,
Тўлғанасиз кўзни очолмай,
Хотин супа супурар, хомуш,
Кўнглингизга бир сўз тополмай.

Осмондаги ой каби тўлиб,
Юлдуз каби чарақлаб қўзи.
Шарқираган жилғадай бўлиб,
Кўнглингизга кирганди ўзи.

Энди зинҳор чиқиб кетолмас,
Унга дарддир, тортсангиз ташвиш,
Сизнинг юзингиздан ўтолмас...
Сизни эса, ҳар кун кутар иш...

Майли, гул ҳам келтирманг атай,
Эшикдан бир бора кирсангиз кулиб,
Аёл яшнаб кетади, ҳай-ҳай...
Үзи кутиб олар сизни гул бўлиб...



ТИЛАК

Олтмишибойларга

Баъзан эсга тушиб,
Ўтмишнинг шавқи,
Нурларга чўмилар,
Хотира завқи.

Гоҳ бола эрмаги,
Қилган ишингиз,
Тушиб қолар бўлса,
Битта тишингиз.

Чеваралар сўрар,
Бижилдаб, чаққон:
– Бобожон, мактабга
Чиқасиз қачон?

Ҳиқиллаб куласиз,
Қолиб чорасиз,
Нима ҳам қиласиз,
Ахир боласиз?!

Термулиб туради,
Кампир бегараз.
Ўзингизча гоҳо
Қиласиз араз.

Йўқлаб келар бўлса,
Бирор тенгу тўш,
Кайфингиз чоғ бўлар,
Кўнгил бўлар хуш.

Дўстгинам, гўзалдир,
Хаёт шу билан.
Нашъу намолари,
Сизу биз билан.

Олтмишдан ошса-да,
Умр тулпори.
Кўнгилда йигитлик
Шаҳди, хумори.

Етмишда югуриб,
Саксондан сакранг,
Тўқсонда кутласин
Дўстларнинг бори.

ХОЙ, СЕН

Хой сен, мана бир кунинг ўтди.
Нафасинг йўқликнинг этагин тутди.
Бир бора, отангни қучдингми қониб,
Онанг ўчоғида кўрдингми ёниб.
Ўтди, абас бўлиб, неча минг кунлар.
Барин олиб кетди шамол, эпкинлар.
Надоматга тўла қопни инқиллаб,
“Онажон”, дединг-ку, ҳоргач мункуллаб.
Шўх, шодон онларда эсламадинг, рост,
Ҳатто, кўкларга-да етганида даст.
Бирор кун ёдингга келмади улар –
Беминнат, ортингдан жилмайиб турар.
Бу кўна дунё-да, не бўлса-да Ҳак,
Ҳар замон бир ҳикмат айтиб кўяр халқ.
Дейдилар: “Боланинг кўнгли далада”,
Дейдилар: “Онанинг кўнгли болада”.
Бу далли дунёнинг синоатими,
Ё, балки жазоси, саодатими?

Шу тонг туриб дедим, эски бир гапни:
“Онанг тирик бўлса, кўтар бошингга,
Отанг тирик бўлса, чорла ошинингга.
Чойлар тут ўтқазиб, уйинг тўрига,
Бориб йиглагунча бир кун гўрига.

* * *

Шеърим бағримда мунис,
Синглим бўлиб йиғлади.
Кечалари овлокда
Ўзим бўлиб йиғлади.

Тушунмади ҳеч бир кас,
Юрагимнинг ноласин.
Зимистонда воласи
Узун бўлиб йиғлади.



* * *

Кизим Умида хотирасига

Кимга айтайин дардимни,
Күнглим баҳордан айрилди.
Қиёматта қолди дийдор,
Тонгим наҳордан айрилди.

Үйнаб-үйнаб ўтиб кетди баҳорим,
Хазонларни қувиб етди баҳорим.
Қизгалдоқдай қув очилган чоғида,
Қизгалдоқдай тўзиб кетди баҳорим.



* * *

Бу озурда кўнгилнинг
Кўчасин тополмадим.
Орзуларга чўмилган
Кечасин тополмадим.

Йўллар тошли, чағирли,
Завол кўрди товонлар.
Зайлига бериб дилни
Алдолмадим ёронлар.

Машаққатлар ўрмони,
Адаштириди йўлларим.
Етдим деганда, алҳол,
Очиқ қолди қўлларим.

Умид берди қаноат,
Аллоҳ эса сабрни,
Карам билан саховат,
Эҳсон қилди абрни.

ДАРАДА

Лекин алам қилар, бир умр гирён,
Итлар орасидан ўтса карвонинг.
Абдулла ОРИПОВ

Устоз айтарини айтди-да, ўтди,
Кўринг, карвон кетиб борар устозсиз.
Ташландиқ сүякка итлар кўникуди,
Даврини сурмоқда э ҳ и-ҳ и й, сонсиз.

Баъзан, уларнинг-да, бошин силаймиз,
Баъзида сухбат ҳам қурамиз “дил”дан.
Гоҳ чора тополмай, “омад” тилаймиз.
Яхшиямки, улар қисилган тилдан.

Булар ҳали ҳолва, булар ҳали тўй,
Карвон кетиб борар кир, адир оша.
Дўстим, итлардан-ку хавотирни кўй,
Олдан чиқмасайди катта томоша.

Итлар-ку емак деб оларди пойдан,
Қувса қутилардик ўтиб дашт, қирлар.
Қандай чиқажакмиз бу дара жойдан,
Ўраб олар бўлса гала қашкирлар.



ҚУТҚАР МЕНИ...

Нима десам, бўғзимда тиғдир,
Уни тутган бегона эмас.
Дунё, мени бағрингга сиғдир,
Кел, ҳайқириб яшай бир нафас.

Кишан каби ҳамроҳим кўли,
Чирмаб олган билакларимни.
Кесилгандир юракнинг тили,
Парчалангандир тилакларимни...

Кутқар мени, кутқар руҳият,
Кутқар мени, она шеърият!

Балойи нафс базму жамшидда,
Исканжада қолган Хорунлар.
Ҳақиқатни айтаман, дея,
Чинқиради фақат қоринлар.

Нима қиласай, кимга айтаман?!

Ойбек каби мўлтирамасдан.
Қайта, қайта, қайта айтаман,
Оёқ, қўлим қалтирамасдан.

Кутқар мени, кутқар руҳият,
Кутқар мени, она шеърият!

Севмасмидим гулурайхонни,
Ва дўстларнинг қаҳқаҳасини.
Ҳаммасига алишдик жонни,
Қалбга жойлаб ваҳимасини.

•••—————•••
Турналардай ҳалқобланишиб,
Күр-курлашиб ўтди дўстларим.
Бу озурда кўнгилнинг шошиб,
Кўчасидан нелар изладим.

Топганим не, йўқотганим не,
Токи кетмай бўғзимга ботиб.
Кўнглим учун бирор нарса де,
Бир мунааввар тонг каби отиб.

Кутқар мени, кутқар рухият,
Кутқар мени, она шеърият!

Авомликми, теграмда қалқкан,
Лоқайдликми – манглайда тамға.
Жоҳилликми, сирғадай тақкан.
Чўкиб кетмай бутунлай ғамға?!

Кутқар мени, кутқар рухият,
Кутқар мени, она шеърият!

Факат сенда – муҳаббат, шафқат,
Фақат сенда – бокира туйғу.
Орзуларим ёзади қанот,
Сен борсанки, чекинар қайғу.

Капалаклар ўпар гулларни,
Розин айтар бедор булбуллар.
Таратар тонг заррин нурларни,
Сен бор учун обод кўнгиллар.

Сен борсанки, тоза рухият,
Мангу бор бўл, она шеърият!
Кутқар мени!

ХАЙҚИРИҚ

Ишшайиб келишар иши тушганлар,
Битмаса бўралаб сўкар қайтишда.
Қайдан пайдо бўлар, бундай нусхалар?!
Тил ҳам лол, гумонда, аниқ айтишга.

На инсоф, андиша бордир уларда,
Фақат мен, фақат бер, дея юлишар.
Гадой ҳам таламас, очдан ўларда,
Чиябўрилардай уввос солишар.

Қаламим тиғларга айланиб кетсин,
Майли, синсин, ҳатто кураш тушганда.
Овозим жон қадар туташсин, етсин,
Икки оёқ ерда, юз кўришганда!

ҚОРА ДЕНГИЗ БҮЙИДА

“2009 йил сентябрь ойида

Түркияда кучли довул күтарилиб,

сув босқини юз берди.”

Матбуот хабаридан

Онадули соҳилларини
Ямлаб ўтар аждарҳо шамол.
Ёлмоқ учун ҳатто уятин,
Тополмади бандаси рўмол.

Кунпаякун, осмон билан ер.
Денгиз кўпар, юҳодай коми.
Қаҳрдан парт, дунёнинг томи,
Тўзонларда одамнинг жони.

Динеъ бигуд таъсод дитсан даъвонатА
Динеъ илдён ўзиш кирғи дитсан сориН
Динеъ шер аниятнада илказ энпеш



МАРЖОНЛАР

* * *

Шогирд келиб, устоз пойин гуллади
Фаррош олиб, бор гулларни пуллади.
Шоир кўриб, бу ахволни гуллади.

* * *

Кимлар пойин ўптиради каттарса,
Кимлар пойни ўпиш учун каттарар.
“Биров пойин ўпмай ўс”, дер катталар.

* * *

Шайтон қавми шайтонлигин қилади,
Ҳингир-хингир кулиб содда ҳолингдан.
Аллоҳга сол. Товонидан тилади.

* * *

Зулм қилган Аллоҳимдан кўркмасдан,
Жазосини олишга ҳам улгирап,
Қазо етиб, бу дунёдан кетмасдан.

* * *

Алдаркўса кетиб борар дунё кезиб,
Йироқлатиб йўлни солди, биздан безиб
Шўрлик қолди алданганин чоғи сезиб.

* * *

— Ёлғон айтиб, нега юзинг қизармайды,
Хатто шами памидордек бўзармайди?
— Рост гапирсам, ишонмаса нима қилай,
Эски масал – эски касал тузалмайди.

* * *

Бу ёлғончи дунёсида ёлғон ғолиб,
Ёлғон дема, ёлғон айтган доим ғолиб.

* * *

Не-не шоир кўрдим, мисоли боғбон –
Ўзгалар шеъридан пайванд олдилар.
Турогини бузиб, оҳанги қолган,
Эски оғочидан айвон солдилар.

ҚОШИНГГА ЎСМАЛАР ҚҮЙИБСАН

Қошингга ўсмалар қўйибсан,
Айт, кимни шунчалар суйибсан?
“Мен ўша бахти бор”, дегандим,
Намунча қабоғинг уюбсан.

Сурмалар сурибсан, нилдайин,
Қароғинг кулади мулойим.
Айт, кимни шунчалар суйибсан,
Бўйнингга бўйтумор бўлайин?

Яноғинг чўғланмиш ибодан,
Бир тутам кокилинг қошингда,
Фироқми, изтироб толдирган,
Севгими тушибди бошингга?

Бу дарддан ким омон чиқибди?
Дилингни бой бериб қўйибсан.
Кўнглингда шубҳаю ҳадиклар,
Қошингга ўсмалар қўйибсан.



БИР КУНИ

Бир кун нафас урсанг, яшнагай гиёх,
Бир кун тонг кулади очик, дарчангдан.
Дилгинант аслолар бўлмасин сиёх,
Ўзи асрагайдир ҳар гарду чангдан.

Ёнингда бўлмаган чоғимда тик тут,
Ҳар каснинг дўқига эгма бошиングни.
Истагим, ота бўл, болалик – унут,
Йифламасдан егин, ҳалол ошиングни.

Истагим, чорасиз одамни кўрсанг,
Елкасидан тутгин, малол келмасдан.
Билсанг шу одамнинг миллатдошисан,
Оёгини босиб олма билмасдан.

Оғримасин дили, қайтмасин қўли,
Деса бас, бир куни отангта раҳмат!
Шундай бўлган асли боболар йўли,
Шу йўллар сенга ҳам бўлсин ижобат.



* * *

Давр шамоллари учириб кетар,
Хар қандай ёвузлик, риё, ҳасадни.
Босқин эсдан чиқар, вайрона – обод.
Юлиб кетиб бўлмас, лек шеъриятни.

Маърифат яшайди, яхшилик қолар,
Лутфий байтларию Навоий саси.
Занглаған қилич ҳам қолар эҳтимол,
Ва албат мозорлар – вақт иддаоси.

Элас-элас мозий сарҳадларидан
Узук юлук овоз, инграган хитоб
Келади – мункиллоқ бобом товуши,
Тарих – варақлари ҳилвироқ китоб.

Бари эсдан чиқар, замон ўзгарап,
Ўтиб кетгай барча-барча хунхорлар.
Яшаса-да, юзлаб, минглаб асрлар,
Халқ ёдидан ўчмас қолган озорлар.

ИЗТИРОБ

Тун оғир чўқди.
Гурс, этиб йиқилди,
унинг ёнига.
У ўқинди, бўғилди.
Тикилди.
Деразадан боқди фаромуш
Ой ҳам ҳорғин унинг ҳолига.
Қароғида ёш айланди.
Тўкилди.
Айтилмаган сўзнинг ҳолига.





* * *

Баъзан ишхонада тунаб қоламиз,
Баъзида уйда ҳам уйқу келмайди.
Фикру хаёлимиз ташвиш билан банд,
Деймиз: фидоликни ҳеч ким билмайди.

Гуноҳларга ботиб яшаймиз гумроҳ,
Ўйлаймиз шу сафар ҳеч не қилмайди.
Гоҳо йўлдан урар бир нокас ҳамроҳ,
Деймиз: барибирам ҳеч ким билмайди.

Ота-онасини алдаб яшарлар,
Хотин-ку ҳар гапга лаққа тушади.
Ёлғондан кўкка ҳам нарвон ташларлар,
Шундай каслар ҳам бор ҳеч ким билмайди.

На Худо ёдида, на иймон – томчи,
Гуё миллион йиллаб яшайдигандай,
Ўзига бинолар қўйганлар қанча,
Шундай паствлар ҳам бор ҳеч ким билмайди.

Биз кўрмайди деймиз, бордир кўргувчи,
Тақдирдан қайга ҳам борамиз қочиб.
Аллоҳ кўргувчиидир, Аллоҳ билгувчи,
Кутмоқда инсофнинг эшигин очиб.



* * *

Паст кетса бирорлар,
Пастлашиб юрма,
Дунё сенингсиз ҳам
бири кам асли.

Камига ямок бўп,
Қасдлашиб юрма,
Тоғ бўлсанг, тоғдай тур,
Мардана, мағрур.

Пойингдан ҳар номард
Тутолмасинлар,
Қоядай қаддингни
Тик тут, эгилма,
Елкангдан бошингга
Чиқолмасинлар.

Узар башиди мад сиб ёттибаттад
Бален симон, жонане булди, синане
Десан, узар ёрни. Кураса шимак
Дарим, дариму дармида ишит
Ташвар туди, ишит, яш ушагид
Ботисиди шинса, жонане сиб
Дарим, дариму дармида ишит
Нар палт, ишит, дарим, дармида ишит
Самолиди таби, ишит, яш ушагид
Ишак садидига, ишак садидига
Этик вонки, ишак садидига ишак
Дарим, дариму дармида ишит
Охонидига, яш ишит, ишит.

МАРДУ МАЙДОНЛАР

9 май – Хотира ва қадрлаш куни. Мангу олов ёдгорлиги. Зиёратчилар оқими ҳадсиз. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, кексалар, ёшлар... Улар жангу жадалларда ҳалок бўлган ватандошлиномизни хотирлашмоқда.

Ана кўринг,
Бир кўр боғча боласидай,
Бир-бирини етаклашиб,
Бир-бирини аяб-суюб
XXI асрга ҳам етиб келди
уруш кўрган, олов кечиб
жангу жадал ичра юрган
марду майдон отахонлар!
Қани, туриңг,
Қарсак уринг,
Таянч бўлиб, қанотига
Битта-битта Сиз ҳам кириңг.
Билинг,
душман қиласар ўйин –
тинч аҳолин бузиб ўйин,
Оналарни қон қақшатиб,
қиз-жувонлар номусини
паймол қилиб,
севишганлар бузиб тўйин,
топтаб Ватан тупроғини
қилмасин деб орни яксон
олиб эрлик яроғини
бўлиб сиртлон, бўлиб тарлон,

ор-номус деб, бўлиб қалқон,
мисли қоплон!
Жангга кирган ўзбек ўғлон,
Днепрдан, Беслалардан,
Нева каби дарёлардан,
Кемаларда, қайикларда,
Гоҳ пиёда, совуқларда
Ўқ-оловдан ўтиб келган,
Марду майдон бобожонлар!
Жасур, қайтмас отахонлар!
Бири Қудрат Суюн бўлиб,
Топиболди, Эргаш, Тилов
Душман узра куюн бўлиб
ёпирилган
– Кули кўкка совурилган!
Душман кимлар?
Улар билар,
Уруш нима?
Улар билар,
Ватан севмоқ қандай бўлар?
Десам, улар кулиб турар.

Тишлар тушган, хушлар учган,
Боласидай ҳасса кучган.

Бир пайт улар лочин каби,
самоларда ғиз-ғиз учган.
Нақ ажалнинг чангалида,
Этик ечмай, дарё кечган.
Тутдай тўзиб, ўрмон кезиб,
Окопларда, кўк чой ичган,

Асқияни ипдай эшиб.
душман зотин тутдай түкиб,
баъзан “тил” ҳам тутиб келган.
Отахонлар, отахонлар!
Марду майдон бобожонлар!
Ана кўринг,
Бир қўр боғча боласидай,
Бир-бирини етаклашиб,
Бир-бирини аяб-суяб,
XXI асрга ҳам етиб келди –
Марду майдон паҳлавонлар!
Улар бизнинг оримиздир,
виждонимиз, боримиздир,
тоғимиздир, боғимиздир –
томирлари гургираган!
Ватаннинг ҳар гиёхини,
Кўзга суреб,
Авлодларга озод, обод Ватан бериб,
даврамизда мағрур турган.
“Ватан севсанг, жондан сев!” деб
Матонатдан сабоқ берган
Бобожонлар, отажонлар, онажонлар!
Улар бизнинг ғуруримиз,
Шаънимиздир, суруримиз!
Қани, туринг,
Қарсак уринг,
Таянч бўлиб, қанотига
Битта-битта Сиз ҳам кириш,
Укажонлар, укажонлар!

РОЗ

Мехримдан уйғонди ҳатто тонг чоги
Хитойнинг рангоранг шўх атиргули.
Яшнатди яшнади, хонамнинг боғи,
Қайда, топаолмадим кўнглингнинг йўлин.
Қалбинг төшмидики, билмадим шунча,
Розимни тинглашга йўқ сенда сабот.
Дилсиз бўлса ҳамки, барқ уриб гунча,
Кўнглим гулшанини айлади обод!

СҮЗ ВА ШОИР

Бугун сўзлар уйғонди тонгдай,
Қалдирғочлар чағчагалари
Эшитилди баҳорий бонгдай,
Булар – илҳом дабдабалари.

Мен уларни масрур тинглайман,
Дудугимга бокиб, жилмайиб,
Сўзларини базўр ўнглайман,
Гунг ва соқов чолдай мултайиб.

Гул баргидай ҳарир хилпираб,
Хиром айлар, нурла эшилиб.
Шудринг каби турар пирпираб,
Кўнгил куйлар бирга қўшилиб.

Улар рангин кўриб қувнайман,
Капалаклар ўпган лоладай.
Кувлашаман, кучиб, ўйнайман,
Онажони ўпган боладай.

Сўзлар тутқич бермас барибир,
Иболи ёр – ўпич бермайди.
Оловланиб дейди: “нари тур,
Бевафони сўзлар севмайди”.



КҮНГИЛНИНГ КИТОБИ

Вараклаб турсанг гоҳо,
Кўнгилнинг китобини,
Туйиб ҳайрон қоларсан,
Умрнинг шитобини.

Дарё нима, вакт нима,
Тутиб бўлмас хаёлдир.
Англаб, англамай сирин,
Бир дам эсган шамолдир.

Даврон ўтиб кетсаю
Лек ўзинг ўтолмасанг,
Алвидо айт шамолга,
Этагин тутолмасанг.

Орзулар осмондаги
Турналарга айланди,
Бош узра “кур-курлашиб”,
Хўшлашмоққа шайланди.

Боқиб, дейман ҳайратда,
Ҳасратларда қолдимми?
Ўзимдек бир ғарибнинг,
Кўнглин овлай олдимми?

Шовулласа-да дарё,
Бағри тўла тош ётар.
Камига нокаслар ҳам
Аямай мисқол отар.

ДАРАХТЛАР

80-100 ёшли дарахтлардан ясалган
создан майин ва ёқимли овоз таралади.
Созгар уста Носир таърифи

Тутмисиз, ўрикми, сара дарахтлар,
Букчайган дарахтлар, қари дарахтлар.
Бобомдай юраги яра дарахтлар,
Момомдай мункайган пари дарахтлар.

Пойимда чирсиллар, гулхан ловуллаб,
Хотиралар билан қиласман сұхбат.
Довулга дош бериб, мағрур шовуллаб,
Фидо бўлиб*яшаш ўзи қандай баҳт?

Саратон офтоби тобига олса,
Сояда оламиз бир нафасга тин.
Аёзда танимиз совқотиб қолса,
Лангиллатиб печга тиқамиз ўтин.

Тутмисиз, ўрикми, сара дарахтлар,
Букчайган дарахтлар, қари дарахтлар.
Бобомдай юраги яра дарахтлар,
Момомдай мункайган пари дарахтлар.

Ҳатто пайрахангиз бағишиллар ором,
Ҳатто ҳидларингиз, ёқимли, хушбўй.
Қокшол елкангизга суюниб бир дам,
Гўдак бола каби сурмоқдаман ўй:
...Юз йил ҳам бир тутам – ёндию ўчди,

Тингланг, таралмокда нолавор овоз...
Дарахтнинг мунглари созларга кўчди,
Балки бобомизнинг кўнглидир шу соз...
Балки момомизнинг ҳасрати – ёзик,
Инграниб, қаддини тута олмаган.
Балки пешонага ёзилган ёзик –
Бизга дардларини айта олмаган.



Фурошлик сабаки – яр виши
Афона, добчес француз иштеги
УМА ишлай сиз Сибирдигут бадиска
Кунгандиги турнир ҳамон дарёй
Чиной жетар ишлай сиз Нинек. О
Лайдатса динжиз ишлай
Летоферид турнир ишлай сиз
Хаджистон ишлай рутибади
Бир таличи ишлай сиз
Киззебонига юзозе ишлай сиз
Морбону жалеб. Аммо сиз
Пенжалот ортада, сиз
Пушкинда ортада, сиз
Кўкрак «Девонгита бераш» ишлай
Шу дем.
Насрилийнинг кўниги – Декан
Не си яр, яна си, булуман,
Хорогидин гонгли равон,
Абданда жайланти ишлай

АРМОН

Чавандоз бўлсайдим,
Алпомиш келбат,
Бедовим бўлсайди,
Ягриналари кенг.
Дўпир-дўпир чопардим...
Қисмат, тупроқ билан бўлар эдинг тенг,
Тоғларнинг тошига от сурар эдим.
Коялардан бокиб мардона,
Юрагимдан ясадим ялов.
Тулпорим – олов.
Ёллари аланг бўлиб лангиллар,
Туёғидан чақнар эди ўт,
Ҳансирағ турарди Сир билан Аму...
Пойида...
О, қандай ғам бу?
Елкамда ҳасрат,
Қаддим эса кетмоқда букилиб.
Юракда ғулу,
Умр сўқмоғида борурман,
Армон, деган асовни миниб.

БУХОРОДА

Бухоронинг жин кўчасида,
Кўнгил доим ҳисга тўлади.
Лабиҳовуз бўйида бир дам,
Афандича сухбат бўлади:

...Қийик кўзлар сўйлар дунёning,
Ками-кўсти, кемтиклиридан.
– Кимсан ўзи, Насриддин Хўжа?!
Дейман тўлиб, энтиkkанимдан.

Қачон, қайда, шомда, сахарда,
Қандай туйғу юрагинг ёқкан?
Фурсат топиб, қайси бир чаққон
Афанди, деб бермишдир мақом?

Кўнглимдаги сўров кўчмасдан,
Чақнаб кетар қитмири кўзлар,
Лабда эса жилмаяр иллат...
Латифалар тинглар юлдузлар.

Ҳақиқатга айланар руё –
Бир талатўп бозор бу дунё.
Каззобу бозингар,
Морбозу жаллоб...
Пештахта ортида,
Пулланади ор...
Кўкрак қафасингга беркинар озор.
Шу дам,
Насриддиннинг кўзлари – Ватан!
Неча аср, неча йил билмам,
Қароғидан топади паноҳ,
Афандича жилмайган миллат!

ЭРТАКДАН СҮНГ

Эртак тинглаб ўсса бола мард бўлади,
Эртакларда доим оғир шарт бўлади,
Жин-ажина, алдаркўса, ялмоғизлар,
Тароқ – ўрмон, кўзгу – дарё, учкур отлар...
О, уларни англамасам дард бўлади.
Филдиракдай филдиради болалик ҳам,
Ҳаёт ўзи бир ғаройиб эртак экан,
Учкур отим қайда қолдинг озор етди,
Чангалзордан ўтаётсан қок тушда мен,
Алдар алдаб, ажиналар чалиб кетди.

Сабо – баҳорнинг дугонаси,
Ёмғир – ошиқларнинг девонаси –
Шаррос изҳор этар ишқини.

Ловуллайди баҳорнинг юзлари,
Ялпизлар – маҳалланинг қизлари.

Севгининг суврати шундайдир –
Сабо баҳорни етаклаб дайдир,
Шов-шов ёмғир изғийди кўчада –
Ёлқинли ҳислари қалбидা.

Дув-дув гап ариқлар лабида.



НОТАНИШ ОДАМ

Олам эди мен учун одам,
Мен уларни севдим жонажон.
Тупроғиу, гардлари билан,
Одам, дедим улар ҳар қачон.
Севдим, барча дардлари билан,
Юрагимни тутқаздим олиб,
Үзлигини этди у аён.
Мен бағримни очган чоғимда,
Күкрагимга ниш уриб чаён
Ва керилди мисоли ғолиб.



•••—————•••

**ВАТАН СЕНИ
ҚУВОНЧЛАРГА БЕЛАГАНДА**

Музаффар неварамга

Тонг шамоли соchlарингни силаганда,
Офтоб нурин бошинг узра элаганда,
Ватан сени кувончларга белаганда,
Яратганга шукроналар айтдим, болам.

Ширин тилинг «она» сўзин сўзлаганда,
Юрагингда меҳринг жўшиб уйғонганда,
Отанг бўйу-бастинг кўриб қувонганда,
Яратганга шукроналар айтдим, болам.

Ҳаёт акси – қатра сувда, дейишади,
Фарзанд асли ҳаёт нақши, дейишади,
Онам, Ватан, деганингда меҳринг жўшиб,
Яратганга шукроналар айтдим, болам..



* * *

Мұхаббат, сен тим қора қошли,
Нечун доим күзларинг ёшли?!
Оху каби ҳуркиб, чопасан,
На хилватда ором топасан.

Нечун доим күзларинг ёшли?!
Сени күрдим сойлар бүйіда,
Маңюсдирсан, Мажнун күйіда –
Карори йүк, фикру үйіда,
Мұхаббат, сен тим қора қошли,

Лолаларга бокдим – мұхаббат,
Лов-лов ёниб тураг յозлари.
Жилғаларга бокдим – мұхаббат,
Шарорадай сочин излари.
Қалб тепади мисли пүртана,
Уриб тураг үртаб, үртана.

Мұхаббат, сен тим қора қошли,
Айт-чи, нечун күзларинг ёшли?!

ХЕЧ БҮЛМАСА БИР МАРТА

Хеч бүлмаса бир марта
Қобиқдан чиқинг,
Үзингизга боқинг, бир марта.

Юлиб отинг, сотқин юракни,
Нафсни, бадбин ҳавасни,
Қопқорийб кетган ҳасадни.

Хеч бүлмаса бир марта
Одамдай яшанг,
Ювениб, тараниб, башанг,
Үзингизга боқинг, бир марта.
– Ассалому алайкум, бормисиз,
Анча бүлди, күришмадик-а?!

Теграңда зұрынқұралық,
Талғынтарол, бұнақ-бұл,
Бұлақжелекі Сөзіб
Каронаның ұрғашыны,

Осоғ әң жүркіншілек.
Бир марта бұлар часын
Хүртілгі күлпей кеттес,
Туронаның үргеншес.

ЧАЙЛАДА

Қалбимга күйилди ушбу сатрлар,
Түйдим димоғимда райхоннинг бўйин.
Қовунлар шарбатга тўлиб ётиrlар,
Роҳат кучоклаган дехқоннинг уйин.

Тинч, тотув фараҳли ҳаёт кечмоқда,
Ҳилол чўмилтирар аҳдни, субутни.
Тулпорлар бир жилға лаззат ичмоқда,
Дерлар, фаришталар асрар бу юртни.

Кўрқаман, мен бундай фараҳли тушдан,
Кўрқаман, шу кўйи ухлаб қолишдан.
Ҳатто ишонмасдан фаришталарга,
Бир боқиб қўяман атрофга хушёр,
Тунда бош кўтариб момик болишдан.

ЎРГАН

Фарзандларимга

Халқ тўлқинли кучлигин,
Чўлпонингдан ўргангин,
Элим, юртим, демоқни
Пасбонингдан ўргангин.

Мозийнинг сарҳадида,
Қад-қад ётар номалар,
Ватанин асрамоқни
Қалқонингдан ўргангин.

Широғу Спитамен,
Муқанна, Жалолиддин –
Ҳар бириси бир қисса,
Достонингдан ўргангин.

Дунё азал-азалдан
Зўрликдан бўлган вайрон,
Ироғу Шомни кўрган,
Ҳайронингдан ўргангин.

Тегрангда зўрлик, хўрлик,
Талон-тарож, бўлҳо-бўл,
Бўлинмасликни Соҳиб
Қиронингдан ўргангин.

Озод ва хур яшамок,
Бир марта бўлар насиб.
Хурлиги қўлдан кетган,
Туронингдан ўргангин.



БИЗЛАР

40 йилдан сүнг

Бу дунё эскидир,
бизлар янгимиз,
Шу кўна дунёнинг
гарди, чангимиз.

Кўтармоқ на ҳожат
оламни бошга,
Ким эдик, ким бўлдик,
қани донғимиз?

Орзулар кўп эди,
қалблар лиммо-лим,
Ёшликнинг завқидан
шахд эди одим.

Аллоҳим ўтказди,
синовдан бир-бир,
Азоби, лаззати
борига шукр.

Ким эдик, ким бўлдик,
ўзига аён.
Қаерда бўлмайлик,
турдик ёнма-ён.

Умрнинг ярмини
дўст, деб ўтказдик,
Қолган ярмини ҳам
унга тутқаздик.



ОФТОБ ва КИТОБ

Тола зиё тушса уйғонар умид,
Бир қатим нур тушса интилар башар.
Офтобни тож этди, покликка Ҳамид,
Қаламни яратди. “Икро!”си яшар.

Сүнг китоб яратди. Тунда ҳам порлар,
Балки шу китобга ўхшагай офтоб!
Фикрингни чархлайды, ҳурликка чорлар,
Илитар қалбингни муз бўлса шу тоб.

Эзгу мақсадларга ҳамроҳ этади,
Шу боис, одамнинг кўзлари очиқ.
Қалблардан қалбларга меҳр ўтади,
Шу боис, кўнгилнинг нурлари сочиқ.

Шу боис китобни излаб толмаймиз.
Унинг қатларида ҳикмат яширин.
Муҳаббат иси бор – унутолмаймиз,
Изтироби бордир, севгидай ширин.

Кувонсак, китобни юзга босамиз,
Ҳаяжон чўлғаса, кучамиз нондай.
Китобдан улуғроқ яна нима бор,
Туну кун порлаган мисли Куръондай?!

БАРНОГУЛ

*Навоийдаги меҳрибонлик
уйида ёзилган шеър*

Капалаклар ўпган кўйлагинг,
Этакларин чамбарак айлаб.
Ердан кўзинг узмай ўйнадинг,
Шу дам нималарни ўйладинг?

Олқишлишар меҳмонлар сени,
Совғалар улашар борича.
Кўргани келишар ҳар куни,
Кўлида бир тутам топгани.

Ҳар сафар рақсга тушасан,
Ҳар сафар куйлайсан берилиб.
Ҳар сафар биламан, ўшасан,
Тикилиб, ерларни тешасан.

Барногул, нимани излайсан?
Мана бок, юрагим сеники.
Барногул, кўз ёшсиз бўзлайсан,
Айтақол, нимани эслайсан?

Отангни кўрмабсан туғилиб,
Онанг ҳам дайдирар қайдадир.
Сен ҳамон бўғилиб-бўғилиб,
Иzlайсан уларни чўғ бўлиб.

Болам, деб оқ ювди Ватанинг,
Отам, деб сен уни куйладинг.
Бағрига босгандада чаманинг,
Онам, деб сен уни атадинг.

Құшиғинг бунчалар нолавор,
Биласан, шу ватан ичида
Кайдадир ё отанг, онанг бор –
Йүлиға бокқанинг интизор.

Күзингдан меҳрлар сочилиб,
“Ота” деб, “она” деб түймайсан.
Кун келиб, эшиклар очилиб,
Келишин берилиб ўйлайсан.

ШУНИНГДЕК, ВАТАН БЎЛСА

Бош эгиб кирав бўлсанг,
Бошда бошпананг бўлса.
Дардингни тинглагани
Отаю онанг бўлса.
Шириндир парча нонинг,
Шунингдек, Ватан бўлса.

Ака-ука қанотинг,
Хам синглинг, опанг бўлса.
Елкангдан юк оларға,
Қиз оқил, боланг бўлса.
Меҳрингни ардоқловчи,
Суйгали санам бўлса.
Дўст бўлса қаторингда,
Фаним тўпалон бўлса.
Шу эрур саодатинг,
Шу эрур баҳтинг, Ўқтам,
Тақдирда Ўзбекистон,
Яшнаган чаман бўлса!

Мана боя, юраты сенини
Бартоғум, иғузича булалени
Айтакор, шиннини толабади?

Олганни хўялабсан туттишиб,
Олдат. Нам дайлирар сайди ур
Сен газони бутгандо-бутгандиб,
Натадаин устасини күн бўлтиб



БАНДИ БУРГУТГА

Қари бургут, картайган бургут,
Түмшуклари тумтайган бургут.
Айтгин, нечун бу ҳолга тушдинг,
Тоғлар қолиб, ерларга тушдинг?!

Истадингми, фаровон ҳаёт,
Текин озиқ, роҳат-фароғат.
Ё, кутдингми одамдан мадад?
Қайда қолди салобат, кудрат?

Тақдириңдан кечдингми, во дод,
Топмадингми иложни сен ҳам,
Ерда жой йўқ, босгани қадам,
Ахир ерда яшайди одам.

•••—————•••

ТАСОДИФАН, БИР ОН, БИР ПАСДА

Шамс порлади, қаршингда гүё,
Оху, нега кўзинг қамашди.
Кутганингми, кутмаганинг ё,
Ўрталиқда кўнгил адашди.

Нима бўлди, хаёлга толдинг,
Сўзламайди бийрон тилларинг.
Табассуминг юздан йўқолди.
Ётсирайди момик қўлларинг.

Ишққа эди кўнглинг ҳавасда,
Саболардан куттардинг хабар
Тасодифан, бир он, бир пасда
Жимиб қолдинг нега дилобар?

Ҳайрондирсан, дилдаги сўзни,
Изҳор этар шивирлаб лабинг.
Ёш қалқиган у охукўзни,
Унутарми экан бу қалбим.

ИМОН ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1

Тишим – дандон,
Гуур – шурва,
Виждоним – нон.
Ейман, десам
Кўймас имон.

2

Кутмаганда
биров очса дастурхон,
Бўлса ҳамки, қотган нон.
Тишим эса-да, дандон
Уйғотар дилни гумон.
Қийнайсан жону таним,
Куриб кетгур сен, виждон!

ТАЛАБ

Шамол, эсма,
тегиб кетма тоғлар бошига,
Дараҳтларга, майсага тегма.
Осмонда эс, айлагин макон,
Чидасанг, булутларнинг бардошига.
Кўзларингни юм,
қарама, тўхта!
Йўқса, ер остидан изла,
бир муносиб жой,
Айлан мурдаларнинг сирдошига!
Фақат эсма!



Хайронимини сабаби
Илдор шар шивориб лабини.
Биг калкитиб у одужуми.
Унукарми энди бу ғаломи.

* * *

Дарё шовуллайди мисоли ҳаёт,
Кўпиклар қалқийди сувнинг юзида.
Гўё авжланади гўзал бир баёт,
Гўё чечак унар кўпик юзида...

Дарё шовуллайди мисоли ҳаёт,
Кўпиклар қалқийди сувнинг юзида.
Яшаймиз кўпикдан излаб нафосат,
Нилуфар кутамиз кўпик изида.

НАСИХАТ

Үглимга

Хаётда касбларнинг тури кўп, ўғлим,
Бир куни улардан бирин танлайсан.
Аммо эҳтиёт бўл, синоатин бил,
Катта бўлганингда барин англайсан.

Бировлар нонини кўз бойлаб топар,
Уларни дейдилар: “кўзбойлағичлар”.
Гарчи кўзинг очик, гарчи хушёrsan,
Мўъжиза кўрсатиб, ақлинг олғичлар.

Яна бирлари бор – йўлинг боғлайди,
Ишларинг юришмас, олға босмассан.
Кимлигин билмассан, дилинг доғлайди,
Назарига тушсанг, қолма ғафлат сан.

Хушёр бўл, йўлдошинг кимлигини бил,
Уларни дейдилар “йўлбойлағичлар”.
Яна бошқаси бор, дерлар “Олғичлар”,
Аввалига бироз дўқ килиб, олар,
Қилмаган айбингни «йўқ» қилиб олар.
Барибир олади, бермасанг агар
Тўрқовоқ кўрсатиб, дўқ килиб олар.

Бировлар йўлингни пойлайди ойлаб,
Синаблар кўради, хўрагин тайлаб,
Ишини битирар оғзингни мойлаб.
Анқовроқ бўлсанг гар ном топар сенга,
Номингни қўймасин “Тушиб қолғичлар”.

Хуллас эхтиёт бўл, касб танлаганда,
Танлаган касбингдан дилинг яйрасин.
Меҳнат қил, жўш, ишла, яша,
Меҳнат маҳсулингдан элинг яйрасин.

МЕН

Кимлар билан ишлашмадим мен,
Кимлар билан тишлишмадим мен.
Вазифалар қолди овора –
Биз ўйнадик факат сувора!
Бир мен эмас, ёлғиз эмасман,
Бу дунёда ҳамма ўйинчи.
Қорнингиз оч, устингиз юпун
Рақсга тушмай кўрингчи?!

* * *

Нима дей, бу не ҳол,
Умр толдими?
Орзулар униқиб,
Ҳис йўқолдими?

Ўзимдек ғарибнинг
кўнглин олдимми,
Ёки сўқмоқларда
гангиб қолдимми?

Нега келган эдим,
Нега ҳайронман?
Дилсиёҳ дунёда,
Кўнгли вайронман.



* * *

Ботаётган күёшни,
тенглаб бўлмас тонг билан.

Тонг тиникиб туғилар.
Яшнаб кетади олам.
Күёш кетар чоғида,
Конга ботар уфқ ҳам.

Шундайдир одам умри,
Туғилади нур билан.
Кетар чоғи дил хуфтон,
Обқололмас дур билан.



ХАЁТ ТҮХТАМАС

Кунлар ўтаверар, кунлардан ўзиб,
Бемаҳал очилган гуллардек түзиб,
Юракка армоннинг суратин чизиб,
Хаёт давом этар, хаёт түхтамас.

Хотиралар азиз, хотира ўлмас,
Кунлар ўтган сари, бу кўнгил тўлмас.
Хотира тошларда қотган гул – сўлмас,
Хаёт давом этар, хаёт түхтамас.

Излаб борар бўлсанг, рухсорлари йўқ,
Чечаклар тергани баҳорлари йўқ,
Кечаги кун қани? Шункорлари йўқ,
Хаёт давом этар, хаёт түхтамас.

Умр нима ўзи – бир лаҳза нафас,
Кимларга насибдир бўймоқ ҳамнафас.
Кимларга бу умр қафасдир, қафас,
Хаёт давом этар, хаёт түхтамас.

Қайтай десанг бир он, имкон топилмас,
Имкони топилса, забон топилмас.
Болалик кунлардай, замон топилмас,
Хаёт давом этар, хаёт түхтамас.

СУХБАТ

- Кувонч нима?
 - Бошиңг узра, балқиб турган офтобдир.
 - Умр нима?
 - Кафтиңгдаги қалқиб турган шабнамдир.
 - Мұхаббат не?
 - Этагидан райхон ўпған табассум.
 - Бахт не унда?
 - Улар бари ҳәётингда мужассам.
- 

ШАХМАТ ЎЙНАБ ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Рақиб сенинг кимлигингни билмайди,
Ичингдаги шумлигингни билмайди.
Ўзлари ҳам кулиб турар қаршингда,
Кўнглидаги сирин ошкор қилмайди.
Шунинг каби ҳаёт – шахмат, ўйнайсан.
Дона териб, бош урасан тошларга.
Найза тираб келишлар бор қошларга,
Бардош берсанг, барисига от суриб,
Бу ҳаётда қолмагайсан мот бўлиб.



БАҲОР ТАРОНАСИ

1

Яратганга минг бора шукр,
Баҳор кепти бизни сўроқлаб.
Сумалакжон бағишилар ҳузур,
Ялпиз анқир, кўп мақтоталаб.
Лолаларни босдим бағримга,
Гулханида ёнай, деб тамом,
Шу тонг эрка бир дона шудринг
Бўса каби қўнди лабимга.

2

Қалбда мәсъуд муҳаббат ийди,
Харир либосини кийди, маҳбубам –
Толбаргак кокили тақимни ўпган
Баҳорни ўхшатдим эркатой қизга.
Ибони билмайди, на билар ишқни,
Гулу чечакларни бошига сепган.
Дунёнинг ташвиши унга бегона,
Офтоб изларидан олади ўлич.
Чақмоқ йўлларида далли-девона.
У пари бепарво ариқ лабида
Қикирлаб ялпизга қўнглин очади.
Шаббода юлқилаб рўмолчасини
Далаларга олиб қочади.
Дунёнинг ташвиши унга бегона.
Бир зум суқланар-да, қизғалдокларга,
Қиру адирларга бўлар равона.
Ҳисларим қалдирғоч каби бошида
Энтика-энтика бўлар парвона.



МУАШШАХ

Мен ҳам маҳлиё бўлдим, шайдойи хаёлларга,
Асал айнимас, дерлар – айнимас жамолларга.
Қаранг, ҳатто рашк қилдим, беибо шамолларга,
Сочларин силаб қурғур, тугатади сабримни.
Армонларни қолдириб, дилдаги амалларга,
Домида килич қайрап, кош етса камолларга,
Озурда қолди кўнгил, етмай қорахолларга,
Йўллар сабр айларми, жавобсиз саволларга?!




* * *

“Тоҳир ва Зуҳро” фильмини кўриб

Ҳаёт бир дарёдир – оқизок,
Гирдоби, шитоби аёвсиз.
Кирғоксиз, манзили кўп узок,
Бўйлашиб борамиз сўровсиз.

Ишқ, ҳавас – камалак – етти ранг,
Муҳаббат кўнгилга тузокдир.
Тутқинлар ҳолига бир қаранг,
Тўлқинлар кафтини безабдир.



Ибони билдириб, кимни кечиди
Гулу чечакничилини ве сарни.
Дунёнини ташинни унга бетони,
Софий изменидан олди ўнч.
Чигисиц Шўлварнида гази-санни
У ишчи бепарво арик йўбиди
Қиёрадб қаджита ҳудудин очди
Шўлбода жополаб рўмалничи
Дастларги олиб ке саде.
Дунёниг ташинни унга бетони
Бир суня сувланир-ди, юзига боқарса.
Кирил айтганни бўлар уланота
Хисодим калпаген киби ёнида
Битимарнига бузар парвони.

ХАР БАХОРДА

Онам ётган уйда хар оғоч,
Сени соғинади қалдирғоч.
Чирқиллашиб ўсдик жүровоз,
Қанот қоқдик, күнгил бўлди соз.

Шайдо этди осмону фалак,
Оlam торлик қилди, жон – ҳалак.
Қайтиб келсак, бўшдир хонамиз,
Алвидо, деб кетмиш онамиз.

Қалбни энди юлқир ҳар қадам.
Бўсағада дил ўртайди ғам...
Она, дейман, укам қалдирғоч,
Бизлар келдик, эшигингни оч...

•••—————•••

ГУЛЛАР ТАЪРИФИДА

Кокили сунбул-сунбул,
Шайдоси бўлди кўнгил.
Кўнгилларини чоғлаб,
Кўлига хино боғлаб,
Мени кутарми жоним,
Мени кутарми жоним.

Капалак гул, наргис гул,
Настарину ҳаргиз гул,
Гулдир босган излари,
Лов-лов ёниб юзлари,
Мени кутарми жоним,
Мени кутарми жоним.

Қўл узатсам, гул қўрқар,
Узай десам, қўл қўрқар,
Яноғи гул, лаби гул,
Қомат – лола каби гул,
Мени кутарми жоним,
Мени кутарми жоним.

БИТИКЛАР

* * *

Бойваччага ярашади нима қилса,
Камбағалга гүр топилмас агар ўлса.
Кўрган кунга шукур айла, дўсти нодон,
Одамдирсан, одамдай қол, бахтинг қулса.

* * *

Дўст бўлиб, дўстдай мард туролмайди у,
Дўстлар даврасида юролмайди у.
Туриб, ўтириши гуё дўстнамо,
Дўстликнинг гаштини суролмайди у.

* * *

Одам англамайди одамлигини,
Курту қумурсқадай ҳардамлигини.
Ҳалолман, дейдилар, тамоқ йиртишиб,
Қилган қилмишлари ҳаромлигини.

* * *

Мени тинглагувчи жуда кўп, дўстим,
Аммо тушунгувчи мўл эмас.
Кўнглим бўстон, десам, ёлғондир,
Аммо кўнглим менинг, кўл эмас.

* * *

– Кўнгил не, – деб сўрдинг эй, дўст.
– Бир шода гулга ўхшайди.
Ё, гул шохидা бедор,
Сайроқ булбулга ўхшайди.



* * *

Куну тун кутишар қоқилишиңгни,
Йиқилмай, мардана туролсанг агар,
Пойингдан чалишар. Айласанг бардош,
Соянгга күрпалар ташлар биродар!

* * *

Күзимнинг ўнгидаги тоғлар қарида,
Күзимнинг ўнгидаги мункиллади тут...
Тошларга күнглимини ёрган чоғларим,
Умрим китобида бўларми унут?!

* * *

Кўнглидай кўнгил топди ким,
бахт топди ким,
Кўнгилини йўқотди ким,
тахт топди ким,
Кўнгил излаб саросар чопди ким,
на бахту тахт топди ким...

* * *

Имкон кетса – келар, ғам чекма,
Тириклида ўзни натовон этма,
Кетса, келмаси ҳам бор бу дунёning,
Имонни кетгизиб, сўнг ўзинг кетма.

* * *

Ҳаёт – бўри, одамзод – жайрон,
Ҳар ким жонин ўзи саклайди.
Хавф-хатардан қутилса шоён,
Бир-бирига ўзин оқлайди.

ОДАМ ДЕМАГИН

Үглимга

Дуч келган ҳар кимни одам демагин,
Күнглида нелар борлигин билмассан.
Кулиб қарайдию, пойлар пайтини,
Пойингдан олганда йиқар, ўлмассан.

Дард билан яшайсан бўри тўпида,
Гала-гала бўлиб, улиб юришар.
Ўзлари гумроху, омадсизлиги
Сабабин ўзданмас, сендан кўришар.

Эшакка минсанг ҳам мен минмадим, деб,
Елкангдан тортқилаб туширмоқ бўлар.
Камингни излашиб, топса ошириб,
Гўрковдай гувала тайёrlаб турар.

Бу кўна дунё-да, кўпларни кўрган,
Одам ёмонлигин билмаса қийин.
Эҳтиёting қилгин, кутилмоқ душвор.
Кўрганимдан ортиқ нима ҳам дейин.

АСКАР МАКТУБИ

Аскарман, постимда сергакман мудом,
Ором олиб ухланг сингилчаларим.
Үйфунгизда құрқманг, оналар бу дам,
Тахдид сола олмас сизларға ғаним.

Күркманг, маңшукалар, ошиқ кучганда,
Улар энди сизни қолдирмас ёлғиз.
Чүчиманг, одамлар, юлдуз учганда,
Ёвуз ниятига етолмас ёвуз.
Бизлар сергакмиз!

•••—————•••

ТУШ

Само ойнасидан мўралайди ой,
Юлдузлар дарчаси бир-бир очилар.
Она қишлоқ узра латиф бир чирой,
Латиф бир сукунат унсиз сочилар.

Ташна юрагимни қамрар ҳаяжон,
Софинчим туйғумга беради сайқал,
Оппок қоғоз узра сингдим, онажон,
Мунис шаъннингизга кўяй деб ҳайкал.

Ана, парчагина чароғон осмон,
Супача четида ўтирап отам.
Тушунгиз таъбирин тинглайди ҳамон,
“Тўн тикдим, тўн бу йўл, йўлдадир бўтам”.

...Само ойнасидан мўралайди ой...



ТУЛПОРГА ИЛТИЖО

Куралай кўзларингдан айланай,
Ёлларингдай ёлқинланар уфқ – зар.
Имкон бергин жабдуқ урай, шайланай,
Уфқларни кўзга суртмоқ аҳдим бор.

Нафасингдан анқир майса бўйлари,
Қоратоғнинг адларин ёд этиб.
Фиркўкларнинг бўйларидаи бўйларинг,
Ёлғиз йўлда қолдирмагин ёт этиб.

Туёқларинг кумушмиди, олмосми,
Тулпоргинам, пойингда ўт чақнайди.
Такдиримни ортдим, белинг толмасми,
Ха, чу, жоним, умид ўзи саклайди.

Ёлларингдай ёлқинланар, уфқ – зар...



ТОВУШ

Ипаклар сийралиб қиз бармоғидан,
Буралиб қүнади қиз бармоғига.
Қатимлар эшилар қалб ардоғидан,
Айланар бағирнинг бир парчасига.

Хаёллар тасвири қийиққа инар,
Күчада бир товуш – ўхшар исмига.
Ойнага талпинар, нигоҳи синар,
Суянар дераза кесакисига.



•••—————•••

ОҚ ҚАЙИНЛАР ЕНГИЛ ТИН ОЛАР

Сукунат...
Қайинзорлар тунга ўранган.
Ой ҳам мотамсаро, гүёки фалак –
Шаҳид поспонларни ёд этар бугун.
Поспонман, хаёлларим кўланкасида,
Отам ҳикояси бўлар намоён:
“Танк... уч яшар бола... аскар қисмати...”
Кўксимга босаман автоматимни,
Ана, муюлишда соялар қати!
Тўхта!
... Ёрилиб кетади сукунат чоки.
Шовуллайди қайинлар шошиб.
– Тўхта!
– Тўхта-а-а!
– Тўхта!
Овоз берар келаётгандар:
– Ўзимизникилар!
Оқ қайинлар енгил тин олар:
– Ўзимизникилар!
– Ўзимизниклар!

•••—————•••

ТҮЛҚИН

Бола эдим,
Шалола эдим.
Жилға бўлиб қўшилдим дарёларга.
Дарёларки,
Тошқин,
Жўшқин,
Тиним ҳам билмайди, қўним ҳам...
Тўлқинлар...
Мавжланиб, авжланиб,
гирдобига тортгандан тортар.
Мен ҳам тўлқин бўлиб,
Азим дарё ўзанида борурман окиб.
Майсаларнинг дудуғига,
Япизларнинг қулоғига дурлар тақиб...

МЕНИНГ ҚҰШИҒИМ

Тонг чоғи борлиққа тараған нурлар,
Майса дудоғида чакнаган дурлар –
Менинг құшиғим.
Баҳорнинг минг оқанғли ёмғирлари ҳам,
Деконнинг қорайған яғринлари ҳам,
Мехрибон онамнинг бағирлари ҳам –
Менинг құшиғим.
Менинг құшиқларим камалак ранғда,
Шундай теграмда.



ЧЕГАРАДА

Ойдин тунда, олис ўрмонда,
Какку қувноқ куйин қуйлайды.
Сокиңликка вужуд-ла сингган,
Бедор аскар недир ўйлайды.

Үйлагандир йўлига илҳақ,
Ул меҳрибон онажонини.
Үйлагандир балки сўнгги шом
Дўстлар билан кечган онини.

Ё ёдига тушгандир унинг
Тили бийрон, жажжи синглиси.
Ё “севгимиз абадий, ионон”
Деб термулган севгилисини.

Йўқ, дўстларин үйлагани йўқ,
Севгилисин, онажонин ҳам.
Бўлиб улар баҳтига посбон,
Чегарада турибди шу дам.

•••—————•••

ХАЁТ

Севги деган сўз борлигин
Билар эдим ҳаётда,
Аммо унинг маҳзини
Чақмагандим, ҳаёт-да!

Ўйлардимки, севги бўса,
Ширинлиги қанддан паст.
Ишонмасдим ошиқ кимса,
Ишқ дардидан бўлса маст.

Энди билсам, севги бу – чўғ,
Ёниб турган, зўр оташ.
Таъриф қилган бўса тоти,
Талаф қиларкан, бардош.

Севги деган сўз борлигин
Билар эдим ҳаётда,
Аммо унинг мағзини
Чақмагандим, ҳаёт-да!

Ошиқ дүстим: “Бир шеър ёз, – деди.
– Севганимга қилайин тортиқ.
Шундай ёзки, титрасин қалби,
Кийнамасин у мени ортиқ”.
Дүстгинамга бердиму вайда,
Уддасидан чикмадим бирок.
Билсам, ҳали қалбимга
Солмаганкан муҳаббат фирок.



Тема: Азаттык



МАСРУРЛИК

Тунлар тонгга уланар,
Майса – узук, лаъл – шабнам.
Дудоқлар бўсадан нам,
Оlam жилвагар бирам.

Хижронлардан фориғ дил,
Сигмас сўнгсиз маъвога.
Мехрга ташна кўнгил,
Тўлди ишққа, навога.

Сувларга суқланаман,
Тўлқин бўлгим келади.
Гоҳо дудуқланаман,
Ҳислар тўзғиб, елади...

Ҳаёт, сени севаман!

ҮРГАНИШ

Янгилик яратмадим ҳали,
Үрганаяпман яратилганини.
Яратилганидан яратилмагани күп ҳали,
Fўр олмалардек тўп-тўп ҳали
Яратилганидан яратилмагани.

Хайрон бўлма кўзларингга тикилиб қолсам,
Үрганаяпман сени.
Сўнг, яратаман келажагимни
Яратилганидан яратилмагани кўп ҳали.



ВИСОЛ

Боғда булбул нола чекиб сайрайди.
Боғбон қизи бокқа чиқиб келади.
Бута, гуллар орасидан пилдираб,
“Тутқин” булбул ҳузурига елади.

Қайдан чиқди бечоранинг овози,
Боғбон қизи ҳаяжонда англамас,
Атрофига ниоҳ ташлар... қоронғу,
Гул бутоклар орасидан келар сас:
– Мен бундаман, хой, Бодомгул, ўнг ёқда.
– Вой, ишингиз курсин сизнинг, беражм,
Жичча қолди ёрилишга юрагим...
Юлдузлар-ла ачомлашиб тўлин ой,
Само узра елкан каби елмоқда.
Боғда булбул шодон-шодон сайрайди,
Боғбон қизи боғдан чиқиб келмоқда.



СОХИЛДА

Қиқир-қиқир кулиб ҳолимга,
Рўпрамда шўх анҳор оқар.
Жимирининг қўйнида аксим,
Ачингандек, ҳолимга бокар.

Мени бу дам қолдириб ёлғиз,
Хаёлларим кетгандир йирок.
Севганим ҳам бенишон, бесас.
Кетган... солиб қалбимга титрок.

Жимир-жимир оқади анҳор,
Жимирида мен ҳам оқаман.



ИСТАК

Йўқ, атиргул дудоғида наҳорда,
Шабнам бўлиб, зум қолмоққа тобим йўқ,
Юлдуз бўлиб чақнаб-чақнаб саҳарда
Изсиз, ҳиссиз йўқолмоққа тобим йўқ.

Буюк бўлмоқ орзуси йўқ дилимнинг,
Мен ўзимни эл бағрига қистайман.
Кўшиқларин куйлаб-куйлаб элимнинг,
Кўшиғига айланмоқни истайман.





КЕЛАҚОЛ

Ойдинлик қүшигин куйлайди само,
Мажнунтол ишваси сирли, таманно.
Қалбимга жүр бу кеч бир үтли садо,
Келақол, нигорим, сенга талпиндим.

Юлдузлар түпидан топмам қиёслик,
Чарос күзларингнинг меҳрига хослик.
Таъриф йўқ, кокилинг бўйига мослик,
Келақол, нигорим, сенга талпиндим.

Сезаман, танҳосан, фалакка боқиб,
Ойдинлик, қүшигин сехрида оқиб,
Бедорсан мен каби қалбингни ёқиб,
Келақол, нигорим, сенга талпиндим.



ШЕЬРИМГА

Чақнаган чақмоқдек
Чақна, шеъргинам.
Чақнаган чақмоқдек
Лек сүнма бирдан.

Чанқоқ дилларни куч,
Қалбларни ёндири.
Ошиқ қалб дилини,
Сехринг-ла қондир.

АХД

Магрур юрамиз ҳар чок,
Бошда хилпиар байрок.
Ҳаётимиз хур, қувноқ.
Ёш авлодмиз биз, ўртоқ.

Буюкдир аждодимиз,
Якдилмиз, қувноқ, шодмиз.
Ватан ишига тайёр,
Бўлмоқ фикру ёдимиз.



ҚОЧАЁТГАН БОЛАЛИК

Хотиротнинг пўлат изидан,
Хаёллар чопади,
Хаёллар қувади.
Бир адир болалик қочади энтикиб, қийқириб –
Адирларни тўлдириб.
Эҳ, етолмайди.
Етим боласини қумсаган отадай,
Етолмайди хаёллар.



ДЕНГИЗ БҮЙИДА

Соҳилнинг бўйнидан тўлқин қўл олди,
Кумларнинг ачишди юраги.
Дилтанг чигалайлар ўксисб йўл олди,
Тубсиз бўшлиқларга иккимиз каби.





СОГИНЧ

Куйимга куй қүшар кизчам қийкириб,
Тинглагил, куйимнинг йўқдир мунглиси
Тинглагил, куйлагим келди ҳайқириб,
Орзуманд кўнглимнинг муnis синглиси.

Изтироб қийнайди арғувонларнинг,
Қуёшнинг тафтида яйрашин қўриб.
Яйрасанг не бўлгай, шу армонларни,
Тилкалаб қаршимда мардона туриб.

Кўзимга сигмайди ложувард осмон,
Сигмайди уфқقا чалишган кенглик,
Бағрида ястанган пахтазор, хирмон,
Ҳаммаси қалбимда истайди тенглик.

Кўқдаги чарагон офтоб бир қўшик,
Умримнинг борича куйлайман уни,
Замин абадгача куйланажак ишқ,
Шулар-ку ҳаётнинг асл мазмуни.

Айтмишлар: келганлар, келарлар, кетар,
Таниб-танимасдан ўзин, эркини.
Келганим олий баҳт, кетишга етар,
Нигоҳимга босдим юртим кўркини.

ОТАМНИНГ ҲИКОЯСИ

Хотирада музлаган даҳшат,
Отам айтиб тугатмоқ бўлар,
Қирқ йилдирки, кўрсатмас сарҳад,
Хотирада музлаган даҳшат...
“Қирқ бирнинг ёзи...
Меҳварида айланарди
Ярадор замин – ўқлар тилкалаган
Елкалари қон...
Гоҳ гўдак боладай,
Илжайиб қоларди осмон.
Ўшандай бир кез – Даҳшатлар
қабрга қулаган дамда,
Бир дўстим – ҳали мурти сабза урмаган,
Ҳали ҳаёт завқин сурмаган,
Ҳали татиб улгурмаган ишқнинг тотини,
Чизиб жанг тафсилотини битмоқча
тутинди чала хатини,
Озод ерга бағрини босиб:
“Онахон, бағрингиз кенгdir заминдай,
Севаман сизни, заминни,
Қишлоқни, юлдузли тунни...
Бизсиз унда қийин ҳойнаҳой,
Сойга қуришдими янгидан кўпrik?..”
Шу он ҳайқирик: “Жангта!
Жонларни тикканмиз Ватанга!”
Мардларни жанггоҳга чорлар командир.
Милтиқлар бўғзига тикилар ажал,
Асаблар қарсиллар ўқлардай...
Шом қадар портлади асаблар...

Ва хорғин мохорка тутини,
Зум ўтмай ҳайдади жанггоҳдан,
Ачқимтир порохнинг ҳидини...
Изладим дўстимни бехадик.
Оҳ юрак сиқилди.
Юз тупроқ, Висолга тўймаган кўз тупроқ,
Қон қочган лаблари заминга босик,
Ётарди дўстим.
Кўкиш чангалида милтиқ ва онага мактуби:
Она, севаман сизни, заминни севаман!"

•••—————•••

УМИДВОРЛИК

Бугунни бой бериб кўйгандан кейин,
Яна орзуларга кўмилиб тани,
Тишларига қисар эртани.
Сўнг совуқ болишга қўярда бошин,
Ҳаётнинг ташвишин тортар елкага.
Тушларидан излайди маъни,
Тишларига қисиб эртани.

— — — — —





КҮНГИЛ ҚУРҒУР

Хазил

Үтар кунлар ҳасратлари сочда оқ,
Пешонага ажин тушар катма-қат.
Қарияпмиз, деманг ўкиниб факат,
Ошкор этиб күяр күздаги ҳайрат,
Күнгил қурғур йигирмадан ошмайди.

Югургилаб турса кунлар жилғадай,
Эллик, олтмиш, етмишга ҳам етгаймиз,
Юлдузларга бокиб, қүшиқ айтгаймиз,
Шўх кунларни эслаб, кулиб ётгаймиз,
Күнгил қурғур йигирмадан ошмайди.

Титрагай кўл, ой ҳам, юлдуз ҳам хира,
Ҳаёт гўзал, ёр кулгуси бокира –
Неварадан ортмас бувига қараб,
Саксон ёшда юрак тўла ғулғула,
Күнгил қурғур йигирмадан ошмайди.

* * *

Тулпа тузук одам эдинг,
Бўлиб қолдинг қурувчи.
Уч тангани тўрт танга деб,
Бир тангани урувчи.



* * *

Англаб етолмайман,
кимларни қўллар,
Ойболта кўтарган
гунг, соқов қуллар.
Ур, деса уради,
сур, деса сурар,
Изингдан жинлардек
эргашиб юрар.
Азалдан шундайми
Дунёда ишлар,
Овоз чиқармасдан
итлари тишлар.
Ҳамиша ёмонни
излаб, чопади.
Мен ҳайрон,
Яхшини қайдан топади?



ТАСАЛЛИ

Бахтнинг нималигин билмасак-да биз,
Барча бахтлилардан бахтлироқ эдик.
Дунёнинг кувончи оёқ остида,
Барча тахтлилардан тахтлироқ эдик.

Ногоҳ, чил-чил синди бахтимиз тахти,
Ногоҳ тўхтаб қолди ҳаётнинг шаҳди.
Тўкилган бахтимиз қучиб қора ер,
Энди балқон-балқон семириб ётар,
Ўксик кўнглимизда армон уйғотар.

* * *

Юзимдан қувончлар йўқолди,
Дилимдан ишончлар йўқолди.
Босарга изларим йўқолди,
Оҳ, қора кўзларим йўқолди.
Энди мен отамас, ота эмасман.
Истасам, тош каби қота билмасман.
Киз ўстирдим, қизим жаннатга лойик,
Ўғил ўстиргандим, бўлди малойик.
Армон, сени бўғиб ташласам,
Азоб, қани сенсиз яшасам.
Кўрганларим бурдалар таним,
Вой жоним,вой жоним.



* * *

Ер – тўймас чол,
Кўзи оч – баттол.
Шалвирап
Фаламис юзлари,
Ўрадай оғзида ниҳоя топар
Одамнинг излари.



ШЕЪРИЙ ПАМФЛЕТ

“Озодлик” радиостанцияси
ходимларига

Оёғинг бандидир, кўлинг занжирили,
Қарасам, сайроқи тилинг занжирили.
Ҳатто олаётган пулинг занжирили,
Кимларнинг кимисан? Қай зотлигисан?
Қайси мамлакатнинг “Озодлик”исан?

Ўзинг бандисану аврайсан жўшиб,
Бирордан эшишиб, ўзингдан қўшиб,
Ёлғон-яшикларни чилвирдай эшишиб,
Эртадан кечгача фасод этасан,
Кимларни кимлардан озод этасан?

Пириңнинг миллати ва на насли бор,
Биламан, бобомда унинг қасди бор.
Отам замонда ҳам хўп тошлар отган,
Тун бўйи бўридай увуллаб ётган.
Гинаю шубҳалар солиб дилларга,
Гўё йўл кўрсатиб содда, гўлларга,
Сайрайсан, чулдираб турли тилларда.
Жуда бўлмагандаги бир тош отасан,
Ҳай-ҳай, демасалар дорга торласан.
Кимларнинг кимисан? Қай зотлигисан?
Қайси мамлакатнинг “Озодлик”исан?

•••—————•••
Тарихда “Яхши”деб оти чиқмаган,
“Пирингга эргашма”, зоти чиқмаган,
Кимлигинг, манзилинг, мақсадинг аён,
Авомни етаклаб, борурсан қаён?

Сардоринг думчаси қайрилма чаён,
Йўталинг янгию маталинг эски,
Хуружи бошланган касалинг эски.
Йўқ жойда бор этиб, турли иллатни,
Ёмғирдай ёғдириб ҳар ён тухматни,
Максадинг бузишдир ичдан миллатни,
Носкаш нос отганда, сен ҳам отасан,
Туфласа, оғзини пойлаб ётасан.
Эртадан кечгача фасод этасан,
Кимларни кимлардан озод этасан?
Андижон, Фаргона, Намангандейсан,
Хўжанг нима берса, ўшани ейсан.
Ёмонлик соғиниб халқнинг бошига,
Оғулар соласан ҳалол ошига.
Ҳатто офтобдан ҳам излайсан доғлар,
Айтчи, бу дунёда бормикан соғлар?
Бир халқмиз, бир миллат, тарихимиз бор,
Ватанимиз бордир – юракда тумор,
Хурмат бор, иззат бор, бордир эътибор.
Кўй барин, қаникай ўзингдан гапир,
Биронинг ғофилсан, биринг мусофири,
Чаманин кўрганда четлаб ўтасан,
Яхши хабарлардан портлаб кетасан.
Юрасан самолёт, аробаларда,
Маконингни қуриб харобаларда.
Бойўғлига ўхшаб ғуд-ғуд сайрайсан,



Ёмонлик соғиниб күнгил чоғлайсан.
Кимларнинг кимисан? Қай зотлигисан?
Қайси мамлакатнинг “Озодлик”исан?
Ғавғо солиб бошга, қўйиб тухматга,
Асл зот тош отмас асло миллатта.

Миллатим отамдир, миллатим онам,
Бириси холамдир, бириси болам,
Бириси замондош, бири тенгдошим,
Бариси жигарим, бари сирдошим.
Ўзини билганлар қадрини сотмас,
Ўзга эшигида кул бўлиб ётмас.
Кимларнинг кимисан? Қай зотлигисан?
Қайси мамлакатнинг “Озодлик”исан?





ШАН

Сояларга салом берманг,
Саломингиз қолар ерда.
Кояларга салом берманг,
Саломингиз қолар нерда.

Тик боқингиз қабоҳатга,
Фирромлигу фасоҳатга.
Голиблик элтгай роҳатга,
Шан қолмасин маломатга.



СҮРОҚ

Үглим Музаффар хотирасига

Қанча ўпичларим тупроққа кетди,
Қанча ўтингларим кетди тупроққа.
Тили бўлмаса ҳам сўзлагувчи қалб,
Айтчи, нега куним қолди сўроққа?!

“Ота” деган сўзга интизор қулоқ,
Наҳот энди лабдан табассум сўнди.
Наҳот умрим шундай ўтади энди,
Наҳот тақдиримга юрагим кўнди.

Фурсат ўтди чоғи, қайтарга бир он,
Ҳатто қилдай кўприклари йўқ?
Наҳот ўтди, кетди бекадр даврон,
Наҳот энди югриклари йўқ?
Шодлик қани, қани ўша баҳт,
Шўху шодон тўполон қани?
Қани энди бултургидай шаҳд?
Суратидан излайман маъни.
Қароғидан қуёш нур олар,
Қошлиридан ҳилол уялар.
Сўзларида бир олам маъно...
Лаблар недир айтаман, дейди,
Гўё “ота, отажон” дейди,
Айтгин ўғлим, гапиргин болам,
Сен гапирсанг ёришар олам.

Мен кутаман, илҳақ, интизор,
Манглайимда оқшом кораяр.
Юракка қил сиғмас, тораяр.
Осмон шамларини ёқади,
Суратига тикиламан, жим.
Бир сүз демас, кулиб бокади...
Умрим шамдай эриб оқади.



БАГИШЛОВ

*Шахмат бүйича Жаҳоннинг
17-чемпиони Рустам Қосимжоновга*

Олтмиш тўртта каттакка
Бутун жаҳонни жойлаб,
Шатранж оламида
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Пиёдалар бел бойлар,
Отлари – самантойлар,
Фарзини шоҳни пойлар,
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Оқ-қора лашкарлар мард,
Ҳар наърасида бир жаҳд,
Ўртада шону шавкат,
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Юз йигирма саккиз мард –
Бари – шер, бари – йўлбарс,
Дона сурди басма-бас.
Фолиблиқ – Рустамга хос,
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Ананджон ҳам тан берди,
Адамс тошин терди,
Каспаровга дард берди,
Үзбегим кўкрак керди,
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Жумла жаҳон ҳайратда,
Спортқўминг ғайратда,
Ҳей, карнайчи, карнайинг,
Ғат-ғатлатиб, сайрат-да!
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

Рустамжон, иним, укам,
Ориятимсан, бўтам!
Кел, пешонангдан ўпай,
Сенга шеър ёзди Ўктам.
Бир жанг қилди Рустамжон,
Зўр жанг қилди Рустамжон.

•••—————•••

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Янги кун бошланди,
Янгидан янги!
Осмон тўлиб,
Паға-паға ёғар қор,
Қорнинг заррасидай ҳислар беғубор.
Фарч-ғурч ташлайман қадам,
Қорнинг кучоғида йўлаклар янги.

Янгилик уйғотган дилимда қувонч,
Эртасин ўйлаган элимда қувонч!
Белбогига тугуб ширмойи нонни,
Хирмонини уюб, шопириб донни,
Йилни адо қилган бобо дехқоннинг
Ниятлари янги, ўйлари янги!
Кузатиб қўймоқда эски йилни шод,
Ўтган кунларидан қалб тўла ишонч.
Жамалаги тилло, желаги янги,
Момо чанқовузим куйлари янги.

Ўн саккизга тўлган йигитдай ўлкам!
Барваста, беғубор, камолда кўркам.
Бир тану битта жон бўлишиб, шахдам,
Қадам ташлаётган Ёшлари янги,
Қувончлари янги, умидлар янги!
Камалак нусхада тилаклар рангги!

•••—————•••

Келар йил!
Пойингга ҳасанот бўлсин,
Марвариддай орзуларимиз:
“Худойим етказса катта тўй қилсин,
Сингилжонларимиз, жўраларимиз.
Невара-чевара... кўпdir ўйловлар,
Куда-андачилик – азиз йўқловлар...
Юртимизда доим тўйловлар бўлсин,
Бешикда кийкириб ётган гўдак ҳам,
Чимилдиққа лойик куёвлар бўлсин!”
Янги йилдан шудир тилакларимиз!

Осмон тўлиб,
Пага-пага ёғар қор,
Қорнинг заррасидай ҳислар беғубор.
Ғарч-ғурч ташлайман қадам,
Қорнинг кучогида йўлаклар янги,
Янги йилда янги тилаклар янги!

Июсулакти бутсанги,
Уриб ҳармада кадоидам.

Юшкунтарот дончаб,
Болаларот берсалдим.
Энг баҳтав шоир бўлаб,
Зонка тўлиб друсладим.

Оси синагат тозадеги,
Он хало сирин очарди.
Амиркунтар юннаб,
Иборат тонг сонарди.

ҚАРИЧИЛИК

Үглимга

Мана, бўлдинг басавлат,
Илкингда молу давлат.
Белимдан қочди қувват,
Елкангни тут, суюнай,
Ош бўлсин берган ноним.
Вой-вой жоним, вой жоним!

Үғлим, элга суюнч бўл,
Тайрилганга таянч бўл!
Ота бўлгин, қувонч бўл,
Қалбим тўла ишонч бўл!
Эр бўлгйней, полвоним,
Вой-вой жоним, вой жоним!

Уи сакзак тўнан чигитда узами
Бореаста, бегубор, қалинча куркам.
Борганин битта жон бўлшишиб, шахдам,
Қадам тандайтган Ёслари ёни,
Қувончарни инек умидлар чиги!
Каломак нускади фаджалар раготи!



* * *

Кўнгилда яримта ой,
Ёритмайди оламни.
Осмон йирок, ер каттиқ,
Эшитмайди ноламни.

Яримта кўнгил билан,
Кемтик умр – топганим.
Устимга кўрпа қилиб,
Ташвиш ва ғам – ёпганим.

Юракни нимта қилиб,
Кузгунларга отсамми?
Қояларнинг пойида,
Қонга ботиб ётсамми?

Ё шарт юлиб ҳилолни,
Олиб ўроқ қилсайдим.
Шовуллаган буғдойни,
Ўриб хирмон қилсайдим.

Юлдузларни ҳовучлаб,
Болаларга берсайдим.
Энг баҳтли шоир бўлиб,
Завққа тўлиб юрсайдим...

Осмоннинг тоқидаги,
Ой ҳам сирин очарди.
Атиргуллар энтикиб,
Ифорларин сочарди.

На шоир бўлдим дилдош,
На бахтиёр отаман.
Армон деган бекатда
Дийдор кутиб ётаман...



ШОХИ ЗИНДА

Очун пайдо бўлган кунда
Олий мақом насиб эттан
Самарқандга!
Тупроқлари майин кўрпа,
Харсанглар ҳам болиш бунда,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

Бир ён Мирзо Улуғбекдир,
Бир ён Шердор, Тиллакори.
Мадрасаи Улуғликдир.
Миноралар устунидир,
Кўхна дунё гумбазининг.
Фаришталар базм қуарар
Осмон тоқи жилвасида.
Юлдузларга боқинг суйиб,
Бедор бўлиб гоҳи тунда.
Самон йўли бошлангайдир,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

Спитамен изларидан
Қизғалдоқлар униб чиқди,
Қалдирғочлар ҳар эшикка
Видо айтиб, қўниб чиқди.
Ҳийла йўлин тутди, сингач
Искандарнинг шоҳи бунда.
Адоватни кечирмагай,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

Амир Темур наърлари,
Ҳамон янграб таралади....
Тахт ортида мақр-хийла
Улуғбекни яралади.
Юрагининг қони билан
Бобир нома ёзди бунда,
Шоҳи зинда, Шоҳи зинда.

Умр нурдир, умр чакин,
Ялт этади – у кун яқин.
Боболарнинг пойи хокин,
Тавоб қилинг, ҳар тонг, кунда,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

Баҳодирлар жаҳон кезиб,
Олиб Олам тупроғидан
Яратгандир Самарқандни.
Поёни йўқ Пориш унда,
Боғлар аро Боғдод бунда,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

Навоийнинг наволари,
Эрам боғин ҳаволари,
Самарқанднинг маволари,
Юрагимда, қонда, танда,
Шоҳи Зинда, Шоҳи Зинда.

•••—————•••

ОНА ТИЛИМ

Отамга бобосидан,
Бобомга отасидан,
Момомга онасидан,
Онамдан мерос тилим,
Сен билан ёруғ дилим.
Бир қучоқ ҳаяжоним,
Туйнуги бўлмаса-да,
Кўнглимда нур, жаҳоним.
Асал, обиноввотим,
Қовунимсан, бир тилим,
Она тилим, жон тилим.

Боболарим сўзлади,
Довруқ солиб оламга,
Каҳқашонни кўзлади,
Рухинг кўнса боламга.
Онамдан мерос тилим,
Сен билан ёруғ дилим.
Байрон ўзбегим, элим,
Она тилим, жон тилим.
Онаси алла айтиб,
Мирбобомни тебратган.
Бобом тилла бешикда,
Шеъриятни уйғотган.
Шеърият ҳар эшикда
Кўнгилларни яйратган.
Она тилим, жон тилим
Шунқорларни улғайтган.

Бу олам меҳварида,
То бордир туркүйлар,
Жаранги келиб турар,
Ўзбекча ўқигўйлар.
Она, деб эмранади,
Ўзбекнинг чақалоги,
Онам, деб тебранади,
Мункиллаган чоллар ҳам.
Ўтмишин унутмайди,
Келажак ҳам бир тутам.
Бийрон ўзбегим, элим,
Она тилим, жон тилим,
Абадий янгрок дилим.



ИЛТИЖО

Бағримга босганча, түқлим – боламни,
Кузатиб турибман, дилгир оламни.
Эшит фиғонимни, оху ноламни,
Аллоҳ, ўзинг аспа бани одамни.

Аланга комида ёнмоқда бу тан,
Гүдаклар додидан юрак лахта қон.
Инсоф бер, ўзлигин танисин инсон,
Аллоҳ, ўзинг аспа бани одамни.

Афюн гирдобида она ер, маво,
Телбадай серраяр дарди бедаво.
Оға инисига тилайди вабо,
Аллоҳ, ўзинг аспа бани одамни.

Наҳот, аслиятга кайтар одамзод,
Наҳот, нағс бандангни етаклайди шод.
Зўрлик, адовардан олам тўла дод!
Аллоҳ, ўзинг аспа бани одамни.



УСТОЗИМ

Фарзандидай бошим силаб, эркалаб,
Харф ўргатиб, дилин берган устозим.
Китоб туттан кўлларимдан етаклаб,
Онажоним тилин берган устозим.

Елкам туяр кафтингизнинг тафтини,
Мехр билан билим берган устозим.
Боболардан олиб қалбнинг забтини,
Келажакнинг йўлин берган устозим.

Миллатни сев, Ватанинни сев, онангдай,
Деган тилло сўзингизга айландим.
Зафар кучсам, кўзларингиз ёнгандай,
Устоз, бугун ўзингизга айландим.

Илму ирфон, буюклиknинг маёғи,
Маърифатни куйлар бугун шўх созим.
Акл кўрар бугун тоғнинг нарёғин,
Машъал қилиб қалбин берган устозим.

ТАН АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Ор қиларди қилмишидан тўрт муча,
Кўзлар кўрганидан уялар эди,
Қулоқ эшитганидан,
Кўл тутганидан,
Оёқ ўтган-кетганни пойлаб, кутганидан.

Инқилоб қилмоққа ҳайиқарди шўрликлар,
Ниҳоят, бир кун,
Тарқ этишмоқчи бўлишди танни,
Мешдай қорин билан,
Коринга узилиб тушган юраги билан.

- Ким бошлайди, – деди кўз чақчайиб,
Кўл чўнтақка кириб кетди.
- Мен айғоқчилик қилиб тураман, – деди қулок.
- Ҳаммаси менгами, – депсинди оёқ.
Ва шартта бурилиб тарқ этди барин –
кўзни,
қулокни,
қўлни ва мешдай қоринни,
қоп-кора юраги билан.
- Эшитдингми, – деди қулок,
етар – етмай юракка.
Кўз зорлана бошлади оёқдан.
Кўл йўл кўрсатган бўлди.

Жаҳли чиқиб кетди юракнинг.
Корайиб кетди ранги, сўзлари.
Ичак, чаваклар ҳам бўш келишмади.
Ҳамма йигилиб, оёқнинг айбини олишди эсга
Ва битишди шундай характеристика:
“Оёқ – аҳмок, у маймоқ, унинг излари ҳам тумтоқ”.
Тушундингми, ўртоқ?!
Мен сизни бора устозим,
Сизни бора устозим.
Мисолини сиз, яхонидан юнайтишади
Дернечай ишончиликда бирори сиздан
Зарра тушиби, кунаргани сенсанай,
Убийчиликни ўзига ишончиликни сиздан
Баландай бирори сиздан таштаганай
Сизга ишончиликни беради, яхонидан юнайтишади
Мисолини сиз, яхонидан юнайтишади
Ани курбони сиздан беради, яхонидан юнайтишади
Маъзлаб қулиб кибич беради, устазиди сиздан
Любови сиздан беради, яхонидан юнайтишади
Любови сиздан беради, яхонидан юнайтишади



* * *

Мен осмон борлигин билардим,
Ой, юлдуз, булутлар сұхбатдошим эди.
Мен билардим, ернинг борлигин,
Туярдим, товонимнинг күзлари билан.
Ернинг ости ҳам борлигини билмасдим, аммо...



ШОИР ДҮСТАРИМГА

Мана қоғоз, оқ қоғоз,
Шоирмисан, шеърлар ёз.
Ёзгин осмон кенглигин,
Қалбинг унга тенглигин,
Ёз тоғларнинг ҳайбатин,
Қад тикласин ҳавода.
Ёз, заминнинг адади
Туташлигин навога.
Агар бўш қолар бўлсанг,
Шоирлик даво қилсанг,
Тинглаб кўр жилғаларни,
Тингла, мени, дўстингни.
Фақат битта илтимос,
Ағдармагин пўстимни,
Тафтиш килма устимни.

•••—————•••

ЁГДУ

Биз тунларни тиркиратиб, енгиб яшаймиз.
Заррагина ёғдуларнинг қувончи учун.
Биз тунларни зиркиратиб, енгиб яшаймиз,
Туғилажак гўдакларнинг ишончи учун.
Токи улар туғилганда беланчаклари,
Ховуч, ҳовуч нурга тўлсин қорачиқлар ҳам,
То оҳудай, юртимизнинг келинчаклари,
Қабр тошлар қаршисида чекмасинлар ғам.

•••—————•••



XXI АСР ЙИГИТЛАРИГА

Салом хушбичим, хуштаъб йигитлар,
Бу нома XX аср, 80-йилларнинг
Айни баҳор чоги битилди.
Аввал күёшга, сўнгра қалбларга тутилди.
Гуриллаб кетди улар.
Гапни космосдан бошламайман,
Вақт келиб биздан ҳам қўпроқ сўйлайсизлар.
Миллион-миллион тонна
хирмонларни тиклаган дехқон
Шуҳрати яшаган, яшар.
Ўшанда ҳам осмонда ҳилол бўлади –
Сулув қизларнинг қошидай.
Юлдузлар бўлади – қизларнинг чарос қўзидай.
Қоматлари бўлади сарвнинг ўзидай.
Йигитлар, шуниси ўқинчлики,
Биз ўша қизларнинг кокилларига осилиб турибмиз.
Омонатгина...



ҒАЗАЛ ҲАВАСИДА

УСТОЗ

Оқил фарзанд отаю онасини шод қилур,
Устозини бошда тож, күнглини обод қилур.

Ота берар тарбия, онаси оқ сут билан,
Күнглини айлайды пок, камини устод қилур.

Күзида балқар мөхр, сүзида бордир сехр,
Очиб қалб пардасини, илмига имдод қилур.

Үктамо, таърифига сўз излаб оворасан,
Боқ ўзинг, аҳли олам Навоийни ёд қилур.

Демишларки, сўзи – нур, зиёсини кўзга сур,
Бўлса тун, устоз уни гарди-ла барбод қилур.



* * *

Кимнидир феълин суйиб, элда зиёда қилдинг,
Кимнидир қаҳринг билан пою пиёда қилдинг.

Кимки кибрға дүнди, бошин ҳавода қилдинг,
Топганин хасу ҳашак, ҳолин афтода қилдинг.

Молу дунё күйида кимни парвона қилдинг,
Хою ҳавас йўлида, далли, девона қилдинг.

Юзи йўқ, бетовфиқни афкор, бечора қилдинг,
Нафсга қул бўлди ким, бунча овора қилдинг.

Адашган кимсаларни донаю дона қилдинг,
Ўқтамни вақиф айлаб, дилин ҳамхона қилдинг.

Чеварликда тенги йўқ, Холиқсан, Ал Жобирсан,
Аллоҳ ўзинг Қодирсан, Ал Мунтақим, Собирсан.



* * *

Дунё-дунда элат кўпdir, аммо билинг навоси йўк,
Навоси бордир, vale, Навоийдек бобоси йўк.

Навоий босган ҳар издан тафаккурда имон унгай,
Навоий, десанг, ё раб, мажолсиз танга жон ингай.

Турконаси дилга ором, оҳанграбосидан мастсан,
Шовуллайди бошоқзордай, ҳар сўзидан, ки, нон унгай.

Чопонининг барин тутган, кўкаргайдир гар чўп бўлса,
Маёқ киби порлар ақл, истиқболдан нишон унгай.

Навоий ким, сен ким Ўктам, уммондаги заррадирсан,
Улки шамсдир, заррасидин икки олам нури шон унгай.



* * *

Мұхаббат фаслиға кирдим, онажон, қалбим ёнар,
Ниятим ошкор этишга, ийманиб, күнглим тонар.

Бүйимга бўйлар қўшилди, меҳрингизга йўғрилиб,
Тунингиз тонгта уланди, йўлларимга термулиб.

Чорасиз эзилиб турсам, кўзимга нур бўлдингиз,
Ногаҳон қалқсам агар, онажон, ер бўлдингиз.

Ҳар сўзингиз жонга малҳам, савлатим, сойлигимсиз,
Дардларимга чора топган, бебаҳо бойлигимсиз.

Онажон, баҳтим тилангиз, гулга буркансин фаслим,
Таваллода мен эмасман, сизнинг ўзингиз аслим.

Чесарийса тегни бўй, Қолисай, Ал Жебирен,
Аллоҳ Үзинг Қодирсан, Ал Мўнтаҳим Собирди.

* * *

Кўнглимни олиб, тунлари бедор этиб кетдинг,
Минг ғамза ила васлингга хумор этиб кетдинг.

Учрадинг йўлида нигоҳингла қалбга ўт ёқдинг,
Исмингни айтиб, дилимга тумор этиб кетдинг.

Жонимга урай, ишқинг йўли оташ бозорими,
Не кўйга солиб, бунчалар афгор этиб кетдинг.

Ёр сенга боқиб, осмондаги ойни кўурман,
На бунча азоб, жонимга озор этиб кетдинг.

Эй Ўкта, дейман ўзимга гоҳ-гохида мубҳам,
Оқтошинг қолиб, Тошкандингдан ёр этиб кетдинг.



ОЙНАДАН ЎПАКЛАМА

(Дангал Махсум ҳажсиёти туркумидан)

Таъмагирларга

Ўзинг келдинг, ўзинг кетдинг,
Этагимни ўзинг тутдинг.
Мақсадинг не, билолмадим,
Атрофимдан роса ўтдинг.

Таъмаларинг жонга тегди,
Оч лайчадек ликиллайсан.
Нон бермасам, на ортимдан,
Пойдан олиб, шинғиллайсан.

Сендейлардан олам безор,
Етсанг ямламай ютарсан.
Ўтиб қолсанг гар мозордан,
Майитдан кафан кутарсан.

Отанг шайтон, онанг шайтон,
Тариқча ҳам йўқ имонинг.
Топиб қўйган “Таъмагир” деб
Халқим сенинг асли номинг.

Мансаб деса, товон ялаб,
Бўсағада тонг кутарсан.
Зарпечаксан, сассиқ алаф,
Юлмаса, урчиб кетарсан.

•••—————•••

Бундан ортиқ не ҳам дейман,
Отим менинг Дангал Махсум.
Түркінг қурсин, жиним сўймас,
Оғизчангга сассиқ маҳсим.

Лаганбардорларга

Лаганбардор, лаганбардор,
Лаганингни айлантир.
Тўранг келди, лаганчангни
У ён, бу ён тайлаб тур.

Дилинг хуфтон, хушомадда
Бирор кунинг ўтмаса.
Мушук каби мулоимсан,
Бирор думинг тутмаса.

Тулки каби ликиллайсан,
Унда, бунда пайдосан,
Каттанг кўзи тушиб қолса,
Нигоҳига шайдосан.

Емишинг ҳам сарқит-парқит,
Ўшалардан қолгани.
Одам ҳазар қилас билсанг,
Кўлига ҳам олгани.

Кўрган кунинг шудир сенинг,
Не қиламиз бу – тақдир.
Лек касалинг юкумли-да,
Вот, масала қайдадир?!



Порахўрларга

Онанг сени отангдан пора олиб түққандир.
Нима бўлса бариси юргагингда теккандир.

Пора бериб ўқидинг, пора олиб яшадинг,
Қавмларинг қаторида нима берса ошадинг.

Пора олган порахўр, пора бериб қутилар,
Аммо-лекин бари бир кун келганида тутилар.

Халқнинг ҳақи Ҳақ ҳақи, тешиб чиқар оқибат,
Нафсининг қули бўлган, нафсидан топар факат.

Энди эса ҳолинг өй, тўрт деворга хўжасан,
Хўрзман, деб юрувдинг, чиқдинг иркит жўжа сан.

Дангал Махсум айтади: бу йўлдан қайтмаса ким,
Пушаймонда ўтади, бир умр бошидир хам.

Махсум оғизи оғизи ахлати
нафси оғизи ахлати

Оғизи шашчи, оғизи шашчи,
Ташчи ташчи мах, махини
Ташчи ташчи махини
Халқчий сени ташчи мах
ништо мах винчур

Махсиб деса, ташчи шашчи
Боринчи синчиганни ишчи
Заричи шашчи синчиганни эн
Кодад, умроғиши замлади иш
Бонкориб кизоми деб

•••

БОЛАЖОНЛАРГА
ТИНЧЛИК ТҮЙИ

*Неварам Музаффаржоннинг
шебълари*

Самоларда учамиз,
Булутларга ўтириб,
Юлдузларни кучамиз.

Патир ёпиб осмонга
Зухро кизин етаклаб,
Ой келади меҳмонга.

Болалардай нурафшон,
Самон йўлни тўлдириб,
Юлдузлар ўйнар шодон.

Осмон катта уйимиз,
Доимо нурга тўлсин,
Бўлсин Тинчлик тўйимиз.

•••—————•••

РАКЕТАМ

Хой ракетам, ракетам,
Тиним билмай учавер.
Учавер шу аснода,
Шодликларни кучавер.

Сенинг билан Зухрона,
Күярмиз бир кун қадам.
Сафарда ҳамроҳ бўлар,
Бизга ойим, дадам ҳам.

•••—————•••



БАҲОР КЕЛДИ

Келди баҳор, гул баҳор,
Кир-адирлар лолазор.
Кўқда визиллар варак,
Энтикиб кетар юрак.

Бувимга кўмак бердим,
Сумалакка тош тердим.
Тиладим яхши тилак,
Сўнг товланди камалак.





ТАРЖИМАЛАР

Хуан Рамон ХИМЕНЕС

(Испания, 1881-1958)

НИХОЯ

... Мен ҳам кетарман.
Аввал қандай сайраган бўлса,
кушлар шундай сайрайверади,
боғ қолади боғлигича,
боғдаги дарахтлар ҳам,
кудуқнинг тубида эркалана ой.

Кўнғироқлар жаранглаб хушҳол,
пориллаган кун оғушида,
мен ҳақимда эслар эҳтимол.
Уфқ бир дам сақлагай сукут.

Ўзгаради йўллар, сўқмоқлар,
ўтар бир-бир суйганларим ҳам.
Боғимдаги сокин ўтлоқнинг
оғушида зерикар соям.

Мен кетаман, ҳаммаси қолар –
дарахтлар, тонгти шудринглар,
ойни кучоғида эркалаган
кудуғим ҳам қолар шубҳасиз...

Аввал қандай сайраган бўлса,
кушлар шундай сайрайверади.



* * *

Ёгилади тилло баркашдан
күз олгувчи ял-ял шарора.
Куйилгани сайин табора
мунааварлик түлар күнгилга.

Гүё қудук тубидан зилол
чашма сизиб чикқан сингари.
Талпинади осойиш билмай
ёғду, ташна она ер сари.

Гул ва Юлдуз шундай ёнма-ён,
эсиб турар хузурбахш сабун.
Бахт тўкилиб қолган бу жойда
мовий дунё ётар ястаниб.



• • •

* * *

Бир кун кўнгил очиб шунчаки,
десам, менинг ёлғиз тилагим –
ёrim баҳор яшнаган чоғда
кийиб юрса ҳарир кўйлагин.

Пирпиратиб мовий кўзларин,
умид-ла у боқди ирғаниб,
шу дам ғунча лабидан маъюс,
табассуми кетди сирғалиб.

Шундан буён май оқшомлари
тақдир бизни дуч қилиб тураг –
кўчасининг бошида у киз
оппоқ кўйлак кийиб ўлтираг.

• • •

Ўзгеради муджидлар –
ўтир бир-бир соғи акларим ҳам,
Богемдеги соҳиб ўззокиниг
ибутидан зоригар роҳи.

Мен юстиман, ҳалмаси ҳалар –
двориҳар, тоғти жудриниглар
обий қунетни зрилаган
кулутни ҳам котар шубдисен...

Адави сандай сабрмаган бўйси,
шунга ку-чиңидай сабрабиради...

Келди умр каби ўткинчи,
хушлашмоқнинг сокин оқшоми.
Сўнги туғишганим, алвидо...
Мен истайман мангу яшашни!

Шафақланган уфқ ловиллар...
мажруҳ қилар қонталаш япроқ,
орзуларга тўлиқ дилимни.
Мен истайман мангу яшашни!

Қандай гўзал бу турфа олам!
Сўниб қолма пирпираган шам,
мен албатта мангу яшайман,
сен ҳам мангу қолақол, оқшом!

Мени унутмагин,
кутилмаган қувонч!
Ишончларим чилпарчин бўлган,
узоқ кутгандарим унутилган.
Аммо, сен бекарор, кутилмаган қувонч,
унутмагин мени!
Унутмайсанми?

ЁШЛИК

Үша оқшом эрта тонг билан
кетажакман, деганим ҳамон.
Хавотирли табассум қилди,
боқишилари сирли ва гирён.

– Нега? – деди хиёл довдираб.
Гүё мен ҳам қолдим ковжираб,
хукм сурган бу сукунатдан.
– Нега? – қалбга ўт солар савол.
– Билсанг, бу юрт кенгликлариға
юрак сиғмас, қичкирмоққа шай.
Йўқдир ўзни оқламоққа ҳол...
хит қиласи сўзлар топилмай.

– Қаён?
– Бундан нарига,
баланд жойга зулмат осмони,
шундай жойга, токи юлдузлар
сукут сақлаб, эзмасин мани.

Кўзларига ғарқ бўлди шу он,
ғафлат босган юлдузлар...
уни сирли табассуми беркитти.

Дамасо АЛОНСО
(Испания, 1898-1990)

ТАХАЙЮЛ

Шунчалар толиқдим, шунча толиқдим,
алангалар ҳатто кўринар сўник.
Йигирма йил умрим кечган шаҳарда
дакиқалик ҳаловатим йўқ.
Қаҳқаҳалар сўник, йигилар сўник,
димоғингни ёрат оқшом ҳавоси,
ана, юлдуз санар болохонада
хамсоямнинг бийрон боласи.
Кўшилиб санайман, оҳ етиб бўлмас,
бир, икки, уч, тўрт, беш зўрга!
Йўқ, етиб бўлмайди, қайта санайман,
эргаша олмайман, чақнаган нурга...



* * *

Хайкираман ўзимга ўзим:
«Йигирмага кирдинг, Дамасо,
йигирмага кирдинг сен бугун!»
Етаклашиб ёнимдан ўтар
севишишганлар бепарво, шодон.

Мен китоб ўқийман, шеърлар битаман,
севишиш ва севилиш ҳақида ҳамон.
Бахтиёрлик ҳакда, баҳорда офтоб
нурини меҳр-ла сочиши ҳақда...
Лек бугун кўзгуга боқдим шаҳд ила.
Ва дедим ўзимга: «Ҳайкир, Дамасо!
Баҳоринг кутмоқда таманно билан
йигирмага кирдинг, Дамасо!»

ҚҮШИҚ

Инсон суяр кошоналарни,
Асасаю афсоналарни,
Тўқмас бунда қайноқ кўзёшлар.

Менчи, фидо сенга, шаббода,
Кўшиқларим бўлсин бахшида,
Лабларида тутгувчи бода,
Мен фидоман сенга, шаббода.

Кенгликларни тўлдириб, бесар,
Маволарнинг бағрида эсар,
Кучоғида тўлса паймонам.
Ёки кутсам, денгиз қўйнида
Денгизчидай энтикиб жоним.

Кокилларин сирмаб билакка,
Жиловдори бўларман албат.
Орзуларим – хур-хур шамоллар
Кафтларида етсам тилакка.

Дарғаларни денгиз бағрида,
Дағн қилган каби сўнги дам,
Шамолларга сочинг хокимни,
Ором топсин бедор руҳим ҳам.

МИГЕЛЬ ДЕ УНОМУНО
(Испания, 1864-1936)

* * *

Тоғ дарёга бокар-да,
мен ҳаётман, деб ўйлар.
Соя сувда қалқар-да,
сузяпман, деб ўйлар.

Жонсизлар борки бари
ўзин тирик кўрсатар.
Асл тириклар эса
кетиб, қайтиб келмаслар.

Леон ФИЛИПЕ
(Испания, 1884-1968)

* * *

Тулпорингүй уйу яроғинг –
молу мулкинг буюрсиян, оға!
Хеч вақосиз күчада қолдим
отамерос құшиғим билан...

Қишининг қора кунида қувдинг...
мен-ку кетсам кетарман бадар,
лек сен соқов қоларсан мангу!

Тулпорга жим урасан жабдук,
гүлханга жим боқасан қандай,
ёки қандай чархлайсан ўрок?..

Құшиқни ҳам мен олиб кетсам?

Барғатарынъ дегиз балықда,
Ниджыман шебе сүткі дәнд.
Міншіларға сөзим әйткесін,
Орнашының белор рухым ән.

ШЕЬРИЯТ ҲАҚИДА

Шеърни сўзларга бўлинг.
Воз кечинг, сайроқи қофиялардан,
Вазн билан ўлчамлардан ҳам,
Хатто фикрни-да итқитинг нари.
Сўзларни совулинг.
Бирор нарса қолса оқибат,
Шеъриятдир ўшанинг бари.

На юрагинг, на ақлинг бордир,
Қанотинг ҳам ясама шоир.
Уни Аллоҳ сенга бермаган,
Оқсоқ Гефест ҳавсала билан,
Ясамаган ҳатто темирдан.
Оддийгина одамлар ийиб,
Қадоқ құлли ишчилар суйиб,
Елкачангга күйдилар илиб.

Ишқу муҳаббатта берилдинг бирдан,
Хаволандинг самода бехос,
Бориб шеъриятта урилдинг.

Федерико Гарсиа ЛОРКА
(Испания, 1898-1936)

ГИТОР

Үрлай бошлар
гитор ноласи,
чил-чил синар
тонг пиёласи.
Үрлай бошлар
гитор ноласи.
Энди уни овутиб бўлмас,
бехудадир, совитиб бўлмас!
Уввос солиб бўзлайди гитор,
гўё ўзан аро чопган сув,
гўё бўрон – изиллаган ув,
энди уни овутиб бўлмас!
Уфқ бўзлар тонгни соғиниб,
худди шундай бўзлар дайди ёй.
Шундай бўзлар чатнаб ётган қум,
салқин тўшли гиёҳга етмай.
Чирқирашар сўнги бор шундай,
кушлар, тортса юҳонинг коми.
О, қисмати шўр бўлган гитор,
«Беш бешафқат тиғлар курбони!»

ВАСИЯТ

Небо синий, ветер белый,
Үлсам, куминг күнгүл анып
күминг гиторим билан
шарқираган сойнинг кумига.
Оранжзорлар
сўнгги масканим бўлсин
ранго ранг билан.
Агар ўлсам,
агар ўлсам,
бўғотларда пирпирак бўлиб,
шамолларга тураман қарши.
Жим...
Агар ўлсам!

СОЛЕА

Кора ҳарир либос эгнида,
олам унга кўринади тор,
етиб бўлмас кўнглин тубига.

Кора ҳарир либос эгнида.

Ўртагувчи оху ноласин,
эҳтиросли нафасин ҳатто
ютар гўё ғаюр шамоллар.

Кора ҳарир либос эгнида.

Очиқ қолган болохонанинг
эшигидан мўралар беор –
эҳтирос-ла қуйилган ёғду.

Ҳай, ҳай, ҳай, ҳ-а-й...
Кора ҳарир либос эгнида!

КАНТЕ ХОНДО ҚҮШИҚЛАРИ

Тангридан-да улуғман билсанг!
Гунохингдан ўтмас эди у
Қилмишларинг мен кечирдим-ку.

СОҚОВ БОЛА

Шаҳзода чигиртка яшириб кетган
овозини истайди бола.
Гулбаргларга инган шудрингдан
овозини излайди бола.
– Топиб олсам, овозимни гар,
бир ғаройиб занжир ясадим.
Сукутларни занжирлаб сўнгра,
бир умрга боғлаб ташлардим.
Шудрингларга умид билан у
ҳамон ҳайрон боқиб туради.
Чигирткалар эса йироқлаб,
тутқич бермай учиб юради.

ТОНГ

Кардованинг қўнғироқлари,
Тонг чоғида жаранглайди соз.
Гранада, қўнғироғинг чал,
Садолансин оҳангларга мос.
Кўкси тўла мунг, мотамсаро,
Андалуза қизалоқлари,
Киё боқар туманлар аро
Эсган сасга бўлиб жўровоз.
Даричадан бокади шодон,
Мисли балқан тонг юлдузлари.
Йўлакларни айлар чароғон,
Чилликоёқ испан қизлари.
Эй, Кардова қўнғироқларин,
Тонг чоғида жаранглаши соз.
Гранада, қўнғироғинг чал,
Садолансин оҳангларга мос.



Антонио МАЧАДО

(Испания, 1875-1939)

* * *

Ёрнинг ҳарир либоси каби,
Яйдоқ узра туман – жилвирок.
Кунботарда кўзёшдай тиник,
Жаранг-журинг қилас қўнғироқ.

Гарбда, тупкан тубида ҳаво,
Тафти тушиб, ҳорғин балқади.
Қалқиб бораётган оппоқ бир рўё,
Бориб юлдузларни ёқади.

Орзуларга кўмилар кўнгил.
Чиқ, чиқсанг-чи, чиқақол тезрок!
Тушлар кўриб сокин оқшомда,
Уйқусираб йиғлар кўнғироқ.

* * *

ОДАСЫПТАРА

Сенинг күзларингда кўраман фақат,
Махбубам, йўлдошим мубҳам синоат.
Қоп-қора садоқда адад билмас нур,
Нима у? Севгими, муҳаббат, нафрат?

Юрақол, юр, токи бошмокларимдан,
Замин тупроқ бўлиб тўкилмасидан.
Сирингни бой бермай боқадирсан жим,
Кел, қонай, сув бўлсанг тўкилмасингдан.

•••—————•••

Расул ҲАМЗАТОВ
(Дагестон, 1932-2003)

* * *

Осов болалик ҳам ел каби ўтди,
Чараклаб, сүнг сүнди бир шудринг мисол.
Қанчалар чақирмай, илтижо қилмай,
Қайрилиб боқмайди ва сўрамас ҳол.

Ана, кўраяпман, кариликни ҳам.
Сукунат қаърида. Вужуд сесканар.
Қанчалик ҳайқирмай, кет, йўқол, дея,
Кетмайди ху унда оппоқ тебранар.



* * *

Ёрини мадҳ этиб, шеър битди шоир,
Атади: ёруғим, юлдузим, тонгим.
Сен билан тотлидир ҳар ўтган оним,
Бўлмасанг, ишқингда кул бўлгим, ёнгум...

Суюкли хотини, юлдузи, тонги,
Шоир столига келганди яқин,
– Худо ҳаққи тинч кўй, суйкалма, ишлай, –
Дея бўрон каби кўтарди шовқин.





* * *

Деразам ортида шовуллар ёмғир,
Гүмбірлар гулдирак, борлық титрар зир.
Хаммаси қалбимга қуиilar буткул,
Оғриқ ва шодликлар, мұхаббат, жаҳл.

Шодлигим дүйстларга бўлсин аргумон,
Дардимни қўшиқда этгайман баён.
Севгим инсонларга тортиқ бўлади,
Ўзимга сўнгтиси – жаҳл қолади.



Узак олдиң көзд сирги иззати,
Кобитишар уори ким тўйт уор
Келуштар яш шайхъе сенегиди
Я ғиджигаминизни диж иддиши.

Васмет кунганини сунгати бир
- Моктабе соласига сочига хисамтари
Сунгат, кунгат жаҳаслаудан бекор
Дарзидар кобитишар оқиби.

•••—————•••

Александр БЛОК
(Россия, 1880-1921)

* * *

Тун. Шаҳар тинчланди.
Дераза ортида ёлғиз хукумрон –
мардона сукут.
Гүё, энг сўнгти бор тин олар инсон.

Тубсиз коинотга тикканича кўз,
Омаддан ўксиган нотовон диллар,
Юлдузлар-ла сўзлашар беун:

“Юлдузлар, юлдузлар,
айта қолинг ғамлар сабабин,
Қайдан келар дарду андуҳлар?”

Юлдузлар сўйлайди.
Сўйлайди юлдузлар ҳаммасин бир кун...

Эди ОГНЕЦВЕТ
(Белоруссия, 1913-2000)

БУЙНИЦК ДАЛАЛАРИДА

*Шоир Константин Симонов
ўз хокини 1941 ийл июль ойида
жсанговар дўстлари ҳалок бўлган
далага сепишни васият қилган эди.*

Зарра тер, зарра қон, зарра-зарра дард,
Буйницк далаларин бағирлаб қонди.
Нуру жалаларга йўғрилган у гард,
Кафтида бошоқлар масрур тўлғонди.

Маъюс садоланиб олтинранг хилол,
Қабртошлар узра сокин тўш урар.
Юлдузлар ҳам юрак чақини мисол,
Буйницк далаларин чатнаб тўлдирап.

Васият қилганди шоир сўнгги бор:
– Могилёв даласига сочинг хокимни!
Сўнг... кучди шаҳидлар уни беозор...
... Далаларда қабртошлар оқими...

•••—————•••

XXI АСРГА

Сен қандай бўласан, келажак асрим,
Яшнаган гулзорми ё қора кукун?
Ардоқланадими одамзод насли,
Само ёғдулари бўларми тўкин?

Барқарор бўлғуси ҳақ, тараққиёт,
Falaba қилолмас динозаврлар.
Куёш бахш этажак боғларга ҳаёт,
Кўшиққа йўғрилиб кетар даврлар.

Замин фарзандларсиз ололмас нафас,
Эл-юртсиз солланмас буғдойзор, ўрмон.
Асрим, урушларга чек қўй ўзинг, бас,
Пора ва қотиллик йўқолсин тамом.

“Бахтиёр яшасин навқирон авлод”,
Ана шу мақсад-чун елдик, югурдик.
Бахтидан энтиксин, барқ урсин ҳаёт,
Деб сенга етгунча курашиб келдик.

Хатинъ нолалари дилларимизда
Қардошлиқ кудрати, ишқнинг тоти ҳам.
Қабул эт, баҳорий ҳисларимизни,
Буюк инқилобнинг шиддатини ҳам.



Лян ЦЗУНДАЙ
(Хитой, 1903-1983)

* * *

Баҳор ўтди. Оқ капалаклар,
Зафарон кўйлагин кийди – азадор.
Улар мотам тутар япроқчаларга.

* * *

Вакт – ададсиз зулмат денгизи:
Унда борлиқ
Изсиз яширин.

* * *

Япроқ тушди. Сўлди. Эзилди.
Бу шунчаки, оддий бир ҳолми?
Унда нега кўзинг ёшланди?

* * *

Хилол!
Миннатдорман, ёғдулар учун.
Ҳар тонг сокин орзуларимни,
Либосингга ўраб кетасан.

••• ————— •••

Цзун БАЙХУА
(Хитой, 1897-1986)

Сөз тандын бүткөн көмөк асарим,
* * *
Югургилаб юрган қизалоқ
Дала гулларидан терди бир қучок.
Гулларга бурканди шоирнинг қабри.
Барҳаётсан шоир, барҳаёт!

Ботин зулмат қопланган кеча.
Қулоққа чалинмас, “ширт” этган товуш.
Күнғироқ садоси келмас эхромдан.
Сукунат-сукунат,
Юрак-юрақдан
Күйилади адад билмас вақт.

Түншілік тикейі атын алған
Бастыр жасама көзөн көздей
Аны шу мәңдіңүзінде көзүшік
Баспанаң алғасын, бары арчынай
Небі Сакырғашын дәмбөзтәндей
Жиһандағыңда индең тиңдеге
Халық шабакетін білу аттанабайт.
Кардаштың күрәніндең көзінде
Кібіл ту, бахорий қызырвасын,
Бүткөн натылабынан шапалының хам.

Зоя ТУМАНОВА
(Ўзбекистон, 1927-2009)

ТОШБАҚА

Майсазордан биз бир кун,
Топиб олдик суяк ин.
Унда тошбақа яшар,
Қайдан кирару чиқар?
Ойнаси, эшиги йўқ.
Биз томин қоқдик:
Тўқ-тўқ.
Жавоб бермади, демак,
Уйда бўлмаса керак.

•••—————•••
Владимир ЛИСИЧКИН
(Ўзбекистон, 1941)

МУГОМБИР ЁМФИР

Йўлаклар,
Майдонлар
Ботқоқ, лой.
Қолмаган ҳеч қайда
Куруқ жой.
Сабаби ёғмоқда эх, ёмғир.
Югирдим
Тутқизмай у қувга.
Етди-ю, ийқитди,
Лой, сувга.
Ҳам кулди устимдан
Муғомбир.

МУНДАРИЖА

Айтилмаган сўз	3
Ажаб	5
Тавба	6
Ёшликка қасида	7
Баҳодирлар	8
Бир кадам нарида	9
Ота ҳовлида	10
Истиқлол муборак	11
Нечун севмай, Ўзбекистон – онамни мен	12
Тошкентим	13
Ватан, сенсан кўнгилдаги	14
Замондошларга	15
Кўнглингга ватан кургил	16
Тошкентда куз тонги	17
Беш оғамнинг ботирлари	18
Мўъжиза	20
Ҳолат	21
Қозоқ йўлида	22
Мен сизга айтсам	23
Бухоролик жиян	24
Гул бўлиб...	25
Тилак	27
Ҳой, сен	29
Шеърим бағримда муnis	30
Кимга айтайин дардимни	31
Бу озурда кўнгилнинг	32
Дарада	33
Кутқар мени...	34
Ҳайкириқ	36
Қора денгиз бўйида	37
Маржонлар	38
Қошингга ўсмалар кўйибсан	40

Бир куни	41
Давр шамоллари	42
Изтироб	43
Баъзан ишхонада тунаб қоламиз	44
Паст кетса бировлар	45
Марду майдонлар	46
Роз	49
Сўз ва Шоир	50
Кўнгилнинг китоби	51
Дараҳтлар	52
Армон	54
Бухорда	55
Эртакдан сўнг	56
Сабо – баҳорнинг дутонаси	57
Нотаниш одам	58
Ватан сени кувончларга белаганда	59
Муҳаббат	60
Хеч бўлмаса бир марта	61
Чайлада	62
Ўрган	63
Бизлар	64
Офтоб ва китоб	65
Барногул	66
Шунингдек, ватан бўлса	68
Банди бургутта	69
Тасодифан, бир он, бир пасда	70
Имон ҳақида икки шеър	71
Талаб	72
Дарё шовуллайди мисоли ҳаёт	73
Насихат	74
Мен	76
Нима дей, бу не ҳол	77
Ботаётган қүёшни	78
Ҳаёт тўхтамас	79
Суҳбат	80

Шахмат ўйнаб ёзилган шеър	81
Баҳор таронаси	82
Муашшах	83
Ҳаёт бир дарёдир	84
Ҳар баҳорда	85
Гуллар таърифида	86
Битиклар	87
Одам демагин	89
Аскар мактуби	90
Туш	91
Тулпорга илтижо	92
Товуш	93
Оқ қайинлар енгил тин олар	94
Тўлқин	95
Менинг қўшиғим	96
Чегарада	97
Ҳаёт	98
Ошиқ дўстим	99
Масрурлик	100
Ўрганиш	101
Висол	102
Соҳилда	103
Истак	104
Келакол	105
Шеъримга	106
Аҳд	107
Қочаётган болалик	108
Денгиз бўйида	109
Софинч	110
Отамнинг ҳикояси	111
Умидворлик	113
Кўнгил курғур	114
Туппа тузик одам эдинг	115
Англаб етолмайман	116
Тасалли	117

Юзимдан қувончлар йўқолди	118
Ер – тўймас чол	119
Шеърий памфлет	120
Шан	123
Сўрок	124
Бағишлов	126
Янги йил тилаклари	128
Қаричилик	130
Кўнгилда яримта ой	131
Шоҳи Зинда	133
Она тилим	135
Илтижо	137
Устозим	138
Тан аъзолари ҳақида эртак	139
Мен осмон борлигини билардим	141
Шоир дўстларимга	142
Ёғду	143
XXI аср йигитларйга	144
Ғазал ҳавасида	145
Устоз	145
Ойнадан ўпкалома	150
Болажонларга	153
Тинчлик тўйи	153
Ракетам	154
Баҳор келди	155
Таржималар	156
Ниҳоя	156
Ёғилади тилло баркашдан	157
Бир кун кўнгил очиб шунчаки	158
Келди умр каби ўткинчи	159
Мени унутмагин	160
Ёшлик	161
Тахайюл	162
Ҳайқираман ўзимга ўзим	163



Күшик	164
Төг дарёга бокар-да	165
Тулпорингу уйу яроғинг	166
Шеърият ҳакида	167
На юрагинг, на ақлинг бордир	168
Гитор	169
Васият	170
Солеа	171
Канте Хондо күшиклари	172
Соқов бола	173
Тонг	174
Ёрнинг ҳарир либоси каби	175
Сенинг кўзларингда кўраман фақат	176
Осов болалик ҳам ел каби ўтди	177
Ёрини мадҳ этиб, шеър битди шоир	178
Деразам ортида шовуллар ёмғир	179
Тун. Шахар тинчланди	180
Буйницқ далаларида	181
XXI асрга	182
Баҳор ўтди	183
Ютургилаб юрган қизалоқ	184
Тошбақа	185
Муғомбир ёмғир	186

апбюон дС вий ЧТОС сенснада 110,000+ ет МСТА көнгандын гөнганд
сөнгай мәннін шоид ғафо О „У 2018-й жылдан ашыре тажу
БОЛС көнда 1,00 мурбат шашН 20,00 мурбат шашН макутнанда
201 м шашнадан таңғандашында 91-71-91 пайдын шашнадан да

ИнрасН дикси тиражи 100000+ шашнадан «223Р9-желез»
04-10-445-13 800+ шоиданТ ду 02 дико

дикси тиражи 100000+ шашнадан «223Р9-желез»
04-10-445-13 800+ шоиданТ ду 02 дико

Адабий-бадиий нашр

Ўқтам МИРЗАЁР

СОФИНЧ ДАФТАРИ

Шеърлар

"Kamalak" нашриёти – 2019

Муҳаррир М. АБДУСАМАТОВ

Бадиий муҳаррир Д. МУЛЛА-ОХУНОВ

Техник муҳаррир Р. АХМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ С. САЙДАМИРОВА

Саҳифаловчи О. ИСМОИЛОВА


ADTI
AXB-RESURS MARKAZI

INV № 201906

Нашриёт лицензияси АГ № 193. 10.05.2011. Босишига 2019 йил 26 ноябрда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет қозози. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,08. Нашр табоғи 4,4. Адади 2000 нусха. Буюртма рақами № 47-19. Босмахона буюртма рақами № 192.

«Kamalak-PRESS» масъулияти чекланган жамияти. Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30 уй. Телефон: +998 71-244-91-40

«Spectrum Media Group» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Күшбеги кўчаси, 6.



ISBN 978-9943-6005-1-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 9789943600515.

9 789943 600515

«KAMALAK»